

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси

4151500-“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими” йўналиши IV курс 3-46 гуруҳ талабаси

Саидмуродова ХИЛОЛАнинг

**“Яссавия Ва Нақшбандия: Умумийлик Ва
Хусусийлик”**

мавзусида ёзган

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимоя учун қабул қилди
“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси мудири ф.ф.н.
С.Исмоилов _____
“_____” _____ 2011 йил

Илмий раҳбар «Миллий ғоя ва
фалсафа» кафедраси мудири
ф.ф.н. С.Исмоилов _____
“_____” _____ 2011 йил

Мавзу: ЯССАВИЯ ВА НАҚШБАНДИЯ: УМУМИЙЛИК ВА ХУСУСИЙЛИК

Р Е Ж А :

К И Р И Ш.....	3-9
I-БОБ. ЯССАВИЯ ТАРИҚАТИ	10-18
1.1. Яссавия тариқатининг шаклланиш омиллари.....	10-15
1.2. Яссавия таълимотининг моҳияти ва ғоялари	16-18
II-БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ.....	19-40
2.1. Нақшбандия тариқатининг шаклланиш омиллари	19-33
2.2. Нақшбандия таълимотининг моҳияти ва ғоялари	34-40
III-БОБ. ЯССАВИЯ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТЛАРИНИНГ УМУМИЙЛИК ВА ХУСУСИЙЛИК ЖИҲАТЛАРИ.....	41-59
3.1. Яссавия ва нақшбандия тариқатларининг хусусийлик моҳияти	41-52
3.2. Яссавия ва нақшбандия тариқатларининг умумийлик ғоялари	53-59
Х У Л О С А	60-64
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	65-66
ИЛОВАЛАР.....	67-71

К И Р И Ш

Марказий Осиё тариқатларининг жамият ҳаёти ва ривожигаги ўрни ҳамда аҳамияти миллий мафкура учун асос бўлиши билан белгиланади. Марказий Осиё тариқатлари ва миллий мафкура эса халқни миллий ғурур, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаб, ижтимоий тараққиётнинг қудратли ва таъсирчан омилига айланади. Марказий Осиё тариқатлари ва миллий мафкура туфайли ижтимоий-тарихий амалиёт аниқ мақсадли, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни ривожлантириш ва уларни ҳаётда қарор топдиришга эришади. Миллий мафкурамиз заминлари фақат миллий ва умуминсоний қадриятларнинг узвий бирлигини ифода этгандагина ижтимоий тараққиётнинг қудратли омилига айланиши мумкин.

Мақсадимиз Марказий Осиё тариқатларининг ҳам миллий мустақиллик билан, ҳам миллий мафкура билан чамбарчас бирлигини, улар ўртасидаги муносабатларни, шунингдек, миллий ўзликни англаш, сиёсат ва умуман Марказий Осиё тариқатлари билан ҳар томонлама ижтимоий тараққиёт ва ҳозирга давр жаҳон цивилизациясига қўшилиш йўлида ривожланаётган Ўзбекитсон Республикасининг бутун ижтимоий-тарихий амалиёти билан узвий боғлиқлигини кўрсатиш, Марказий Осиё тариқатларининг ва унинг негизида камол топадиган миллий мафкурани кенг халқ оммаси онги ва ҳаракатига янада чуқурроқ сингдириш учун айрим тавсиялар баён қилишдан иборат.

Мавзунинг долзарблиги: Марказий Осиё тариқатлари инсон, жамоа, жамиятнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига биринчидан, унинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва роли, омма онгига таъсири, самарадорлиги, жами куч-қудрати бирон бир восита билан ўлчаниши лозим, яъни кишиларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини ўзлаштириш, такомиллаштириш ва ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш хусусияти билан баҳоланмоғи керак. Марказий Осиё тариқатларида мужассам мақсадлар борликни ўзгартиради,

ривож топади ва такомиллаштиради ва жамиятнинг ҳар томонлама тараққиётини амалга оширади.

Иккинчидан, ижтимоий субъектнинг эҳтиёжи, Марказий Осиё тариқатлари ўртасидаги алоқадорликда муҳим жиҳатлардан бири бу ижтимоий субъект айрим якка шахсдан бошлаб халқ, жамият, жами инсоният ҳамжамятига қадар Марказий Осиё тариқатлари ўзи учун орзу бўлган воқелик, тафаккур тарзи, фаолият-амалиёт мақсадларини уюштирувчи ибтидо тарзида эҳтиёж сезади, унга эътибор беради.

Учинчидан, шу эҳтиёжлар, манфаатлар, умидларга жавоб берадиган, уларни мақсадлар шаклида ва уларга элтадиган янада умумий шакл-воситалар ва омиллар шаклида ифодаладиган Марказий Осиё тариқатлари илгари сурган ғоялар чиндан ҳам ижтимоий субъектнинг қудрат манбаига айланади.

Тўртинчидан, Марказий Осиё тариқатлари инсон, турли ижтимоий бирликларнинг борлиғи тимсоли, уларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларининг мақсадлардаги ифодаси тарзида ҳам гавдаланади, ривожланаётган инсон моҳиятининг ўзига энг мос келадиган ижтимоий ва турли шароитлардаги эҳтиёжлари ифодаси сифатида намоён бўлади.

Бешинчидан, инсон, жамоа, жамият, жами инсоният учун аҳамиятли бўлган Марказий Осиё тариқатлари вертикал бўйича ўтмишдан ҳозирги ва келажак сари ҳамда горизонтал бўйича инсон, миллат, элат минтақадан бошқа кишилар, миллатлар, элатлар, минтақалар, жами инсоният сари ворисийлик қонуни асосида ривожланади. Марказий Осиё тариқатлари халқларни бирлаштирувчилик вазифасини бажаради. Шу боис у миллат манфаатларига, бошқа халқларга хавф туғдирадиган реакцион, шовинистик миллатчилик қарашларга қарши туради ва шу билан миллат, халқ, жамиятнинг бирлашишига хизмат қилади. Марказий Осиё тариқатлари нафақат тарихий-фалсафий ҳодисаси сифатида, балки жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маданий соҳаларини ислоҳ қилувчи амалиёт сифатида, жамиятимизнинг жаҳон цивилизацияси

тизимида фаолият ва тараққиёт амалиёти тарзида ҳам мавжуддир. Яъни Марказий Осиё тариқатларининг шаклланиши, бир томондан ижтимоий тараққиётнинг натижаси ва маҳсулидир, иккинчи томондан эса унинг муҳим омилларида биридир.

Марказий Осиё тариқатларининг ғоялари ва миллий мафкура ҳар қандай жамият учун зарурдир. Чунки мамлакатлар ўз тараққиётини мафкура орқали белгилаб оладилар. Шунинг учун ҳам бизда миллий мафкурани шакллантириш ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтарилди. 2000 йил 6 апрел куни миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишда Президентимиз томонидан миллий ғоя ва миллий мафкуранинг аниқ концепциясини яратиш вазифаси қўйилди.

Албатта, биз бу масалага, Президентимиз асарлари ва бевосита мафкурага тааллуқли бўлган мақолаларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ёндашувимиз керак. Шунингдек, жаҳон майдонларини мафкуравий жихатдан бўлиб олишга уринишлар бўлаётган бир шароитда мафкуравий бўшлиққа йўл қўйиш мумкин эмаслигини ҳам ҳисобга олмоқ зарур. Чунки айнан ана шундай бўшлиқ туфайли бизнинг республикамизга айрим ғаразли ғояларнинг кириб келишга уринишлари содир бўлди. Бундай мафкуравий бўшлиққа йўл қўйилишининг кўпгина сабаблари бор. Энг муҳим сабабларидан бири, Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, «Биз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ моддий-иқтисодий масалаларга кўпроқ эътибор беришга мажбур бўлдик. Чунки халқимизни ўтиш даври ларзаларидан асраш, кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминлаш энг асосий масала бўлиб турар эди».

Эндиликда мамлакатимиз ривожланиш йўлига ўтиб олди, халқимизнинг тафаккурида жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлди, бундай шароитда мафкуравий иммунитетни кучайтириш ва уни ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтариш объектив заруриятга айланди.

Бизнинг халқимиз, Президентимиз таъбири билан айтиганда, «Соддадил, оқкўнгил ва бағрикенг халқ», ўзининг ҳалоллиги,

меҳнатсеварлиги, кучли иродаси ва салоҳияти билан ўз кадрини топган халқ. Бугун биз халқ йўлига юз тутган эканмиз, халқимизнинг фаоллигини дунёвийликка, замонавийликка йўналтиришни кучайтиришимиз керак. Уларни ҳақиқатга, ҳурфикрлиликка даъват этиш, моҳиятни билиб олишга кўмаклашиш зарур. Ана шундагина эски мафкурадан қутилган, мутеликни тан олмайдиган, ўз фикри ва қарашига эга бўлган, ўз кучи ва имкониятига эга бўлган ва унга таянадиган, воқеликка мустақил фикр билдира оладиган, шахсий манфаатини халқ манфаати билан уйғунлаштира оладиган маънан бақувват, иродали, чидамли одамлар шаклланади. Шу мақсадда тасаввуфий таълимотларни. Уларни хусусийлик ва умумийлик жиҳатларини ўрганиш аҳамиятлидир.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур битирув-малакавий ишнинг мақсади яссавия ва нақшбандия тариқатларининг умумийлик ва хусусийлик жиҳатлари, моҳияти ва ғояларни ўрганишнинг жамиятимиз маънавий тараққиётидаги ўрнини очиб бериш бўлиб, ўз олдимизга қўйидаги вазифаларни қўйдик:

- яссавия ва нақшбандия тариқатларининг таълим тизимида ўрганишнинг мақсади ва вазифалари ҳақида тушунча бериш;

- яссавия ва нақшбандия тариқатларининг назарий асосларини ёритиб бериш;

- яссавия ва нақшбандия тариқатларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ролини таҳлил қилиш;

- яссавия ва нақшбандия тариқатларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ва асосий ютуқларини таърифлаш;

- яссавия ва нақшбандия тариқатларининг халқимиз ҳаётидаги ўрнини очиб бериш;

- яссавия ва нақшбандия тариқатларининг эзгу ғоялари ва тамойилларини баён этиш;

- яссавия ва нақшбандия тариқатларининг умумийлик ва хусусийлик жиҳатлари таҳлил этиш ва бошқалар.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.

Битирув-малакавий ишимизда Республикамизда яссавия ва нақшбандия тариқатларининг Марказий Осиё тасаввуф тариқатлари махсус курси таркибида ўқитишнинг йўлга қўйилиши, мақсади ва вазифалари, унинг аҳамияти ҳамда ривожини ёритишга ҳаракат қилдик. Республикамиздаги яссавия ва нақшбандия тариқатларининг тарихини таҳлил қилган ҳолда, давлатимизнинг маънавий сиёсатидаги ўрни ҳақида сўз юритамиз.

Мавзунинг ўрганилиши даражаси. Мавзуни ёритишда Президент асарлари, Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа илмий ва оммавий адабиётлардан фойдаландик.

Адабиётлар орасида Президентимизнинг маънавиятга оид асарлари катта аҳамиятга эгадир. Жумладан, И.Каримовнинг «Юксак манавият-енгилмас куч» –Т.: 2008 йил ва бошқа қатор асарларидан фойдаландик.

Республикамизда мустақиллик йилларида чоп этилган ҳар икки тариқатга оид бир қатор китоблар, рисоаларга ва илмий мақолаларга, ИНТЕРНЕТ сайтларидаги хабарларга таяндик.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур битирув-малакавий ишимизда келтирилган маълумотлардан “Марказий Осиё тасаввуф тариқатлари” курси, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Ўзбекистон тарихи”, “Маданиятшунослик», “Маданият ва санъат тарихи”, “Тасаввуф этикаси” фанларидан маъруза, реферат, курс ишлари ёзишда, семинар машғулотларига тайёргарлик кўришда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари ўрта мактаблардаги ижтимоий фанлардан сабоқ бераётган ўқитувчиларга ёрдамчи материал сифатида фойдаланиш учун тавсия этиш мумкин.

БМИ тузилиши. Мазкур битирув-малакавий ишимиз Кириш, уч боб, Хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб 75 бетни ташкил этади.

I-БОБ. ЯССАВИЯ ТАРИҚАТИ

1.1. Яссавия тариқатининг шаклланиш омиллари

Тасаввуф тараққиётининг вужудга келиши, асосий ғояси, ёйилиши ва кейинги тараққиёти тўғрисида жуда кўп манба ва адабиётлар мавжуд. Тасаввуф диний-фалсафий таълимот сифатида VIII асрда пайдо бўлганлигини И.Мўминов, В.Зоҳидов, М.Баратов¹ ва бошқалар ўз тадқиқотларида қайд этиб ўтадилар.

Тасаввуф ўзининг чуқур онтологик, гносеологик, аксиологик ва психологик илдизларига эга. И.Мўминов тасаввуф ҳақида тўхталиб, "Суфизм - мураккаб фалсафий оқимдир. У жуда хилма-хил шаклларга, мазмунга ва оқимга эга"² эканлигини таъкидлайди. В.оҳидов ўз тадқиқотида "... тасаввуф ортиқ даражада мураккаб, чигал дунёкарашдир", - деб таъкидлайди³.

Тасаввуф таълимоти илк ислом даврида маълум гуруҳ кишиларнинг мавжуд ижтимоий тузумдан норозиликлари натижасида вужудга келган таълимотдир. Бу эса тарихан ҳижрий иккинчи асрга тўғри келади. Бу даврда Араб халифалигининг ҳудуди Арабистон ярим ороли сарҳадларидан чиқиб, Сурия, Ироқ, Эрон мамлакатларига етиб бораётган эди. Янги вужудга келаётган тузумга қарши турувчилар суфизм ғояси остида арабларга қарши ўз озодликлари, Ватан ҳимояси учун курашдилар. Бу курашни бошлаган ироқликлар эди. Тасаввуфнинг кейинги тарихий тараққиётини шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин:

1-давр. Тасаввуфнинг пайдо бўлиш, шаклланиш ва ёйилиши даври. VII-IX асрлар. Зуннун Мисрий, Сари Сақатий, Харроз, Қассоб, Абу Саҳл Тустарий, Хорис ал-Мухосибий, Иброҳим ибн Адҳам, Абу Усмон ал-

¹ Мўминов И. Танланган асарлар. 1 жилд. - Т.: 1969. -Б. 34, Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. - Т.: 1970. -Б. 318.; Баратов М. Маърифатчилик. – Т.: 1961.

² Мўминов И. Танланган асарлар. 1 жилд.- Т.: 1969. -Б. 34.

³ Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. - Т.:1970, - Б. 316.

Маккий, Жунайд Боғдодий, Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомий, Абу Саид ал-Харақонийлар даври.

2-давр. Тасаввуф ва исломнинг уйғунлашув даври. X-XI асрлар. Ғаззолий, Абу Саид Майхоний, Абдурахмон ас-Суламий, Қушайрий, Ҳужвирийлар даври.

3-давр. Тасаввуф тариқатларининг пайдо бўлиш ва тасаввуфнинг оммалашуви даври. XII-XV асрлар.

Тасаввуф биринчи даврида (дастлаб Ироқда) зоҳидлик, ирфоний интилишлар сифатида пайдо бўлган таълимот бўлиб, ўрта асрларда асосий меҳнаткаш оммани ташкил этган камбағал деҳқон, хунармандларнинг ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик ва ҳақсизликдан норозилигини ўзида акс эттирар эди. Бу жараён то IX аср охиригача бўлган даврда мавжуд бўлиб келди. Е.Э.Бертельс "Ҳар қалай машҳур хонақоҳлар қишлоқ жойларида бўлса-да, уларнинг катта қисми шаҳарларда марказлашган эди. Айниқса, дастлабки даврларда Куфа, Басра ва Бағдод, кейинроқ Нишопур бу соҳада муҳим рол ўйнай бошлади"- деб ёзган эди¹. Тасаввуфнинг кейинчалик икки: Эрон ва Марказий Осиё каби ўчоқлари пайдо бўлди. Тасаввуф тараққиётини бу ҳудудлардагидек ҳеч бирон мамлакатда кечмаганлигини қайд этиш мумкин.

Тасаввуф иккинчи даврда ўз бошидан дин билан уйғунлашув босқичини кечирази. Тасаввуф ва ислом ғоялари буюк ислохотчилар Абу Ҳомид Ғаззолий (1158-1111), Ибн Арабий (1165-1240) кабилар томонидан уйғунлаштирилади. "Суфизм ҳаракатини раҳбариятга қандай йўл билан бўлсада бўйсиндириш йўлини топиш лозим эди. Тасаввуф ва ислом дини оралиғидаги "буюк хитой девори"ни олиб ташлаш миссиясини тарихда Ғаззолий ва Ибн Арабий бажарди. Ислом маънан, мазмунан тасаввуф билан кейинги даврда қоришиб кетдики, улар орасидаги чегара ва тафовутни кейинги даврда фарқлаб бўлмай қолди. Бу жараён эса, келгуси ислом ва тасаввуф тараққиётида фақатгина ижобий рол уйнади, холос. Ислохотчилар

¹ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965. -С. 41.

эса ўз хизматлари эвазига "ислом ҳужжати", "улуғ устоз", "ашайх ал-акбар" каби шарафли номларга мушарраф бўлдилар.

Тасаввуф яхлит таълимот сифатида, то ўз давригача, яъни VIII асргача мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий ва диний- ирфоний ғоя ва таълимотлар замирида вужудга келди. Тасаввуф оташпарастлик, буддавийлик, қадимги туркий Кўк Тангри эътиқодлари, қадимги юнон фалсафа мактаби, христианлик ва энг аввало ислом замирида, базасида вужудга келди¹. Тасаввуф ўзининг бир неча маънавий-ирфоний илдизлари билан бирга, ўз маънавий асосларига ҳам эга. Унинг бош асоси, бу ислом таълимоти ва унинг моҳиятини ифода этувчи Қуръони каримдир. Тасаввуфнинг асосини пантеистик дунёқараш ташкил этади. Пантеизмнинг ўта мураккаб диний-фалсафий таълимот сифатидаги ўзига хослиги бутун ўрта аср Шарқи-ю Ғарби диний-орифчилик таълимотлари, бидъат ва хурфиқр ҳаракатлар фалсафий негизини ташкил этади. Ислом таълимоти асосида тасаввуф ўз ақидаларини ишлаб чиқа бориб, "IX-X асрларда яхлит бир тизимли таълимотга айланди"².

Тасаввуф тадқиқотчиларининг пешқадамлари проф. Н.Комилов, О.Усмонлар, махсус докторлик тадқиқотлари муаллифлари Р.Шодиев, Э.Каримов, Г.Наврўзова ва бошқа муаллифлар тадқиқот ва илмий-оммабоп нашрларида ўз ифодасини топган.

Тасаввуфнинг Мовароуннахрга кириб келиши Юсуф Ҳамадоний номи билан боғлиқ. “У ҳазрат Туркистонда тасаввуф дарахтини ўрнатган зотдир”. В. Бартольд қайд этиб ёзадики, “ал - Қодир (1077-1166) замондошларидан бўлган Юсуф Ҳамадоний Хуросонга кўчиб келиб, бу ерда 1140 йил вафот этади. У Марв яқинида дафн этилгандир. Мана шу дарвешлик мактабидан Ўрта Осиёда дарвешларнинг энг йирик вакиллари етишиб чиқдилар”³.

Юсуф Ҳамадоний Бухоро, Самарқанд шаҳарларида ва Хоразмда фаолият кўрсатади. Бу ерда ўз тасаввуф мактабига асос солади. Унинг мактабидан

¹Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. - Т.: 1970. -Б. 318.

²Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. -М.: 1965. -С.39.

³Бартольд В.В. Ислам. Соч. в 6 томах. М.: 1966. -С. 117-118.

келгусида, тўрт машхур шогирд: Абдулло Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдулҳолик Ғиждувонийлар етишиб чиқади. Ва улардан иккитаси кейинчалик Туркистонда машхур бўлиб, оммавийлашиб кетган «яссавия» ва «хожагония» тариқатларининг асосчилари етишиб чиқади. Ислом дунёсида ва тасаввуф тарихий тараққиётида катор Туркистонлик мутафаккирларнинг жуда катта диний-ирфоний ва маънавий таъсири борлиги шубҳасиз. Булар Имом Бухорий, Ал-Ҳаким ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Бурҳониддин Марғинонийлар бўлиб, уларнинг хизматини бутун дунё тан олган.

Яссавия тариқати Марказий Осиё туркий халқлари тарихида улкан ўрин тутди. Мазкур тариқатнинг таълимоти, халқимиз ўтмиш маданий ҳаётидаги аҳамияти сўнгги йилларгача маълум сабабларга кўра деярли ўрганилмай келди.

Шу кунларда Яссавия тасаввуф биродарлигини ҳар тарафлама ўрганиш, айниқса унинг илк даври тарихини тадқиқ этиш долзарб масала бўлиб турибди. Сабаби - тариқатнинг келиб чиқишини аниқлаш, яссавиянинг бунгача бўлган қайси диний-сиёсий оқим меросхўри, унинг қоидалари халқимизнинг қайси руҳоний, маънавий анъаналари, урф-одатларининг давоми эканлигини белгилашга ёрдам беради. Ва, ниҳоят, XII-XIII асрларда ўлкамизда рўй берган оламшумул воқеаларни таҳлил этиш ва баҳолаш ҳозирги маданий ҳаётимиздаги ўзгаришларни чуқур тушуниш ва уларга ижобий таъсир этиш имкониятини беради.

Яссавия тариқати илк давр тарихи бўйича мавжуд манбаларнинг сони кўпайиб бормоқда. Охирги кезларда тариқат асосчиси - Аҳмад Яссавийнинг кўплаб насабномалари, шажаралари топилмоқда. Лекин бу хилдаги манбаларнинг кўпчилиги XVII-XIX асрларда ёзилган ёки оғзаки турдадир. Бунинг устига уларнинг кўпчилиги афсонавий воқеаларни ўз ичига олади. Шунинг учун уларни тадқиқ этишда манбашунослик, матншунослик ёки тарихийлик услублари етарли эмас. Бу ерда диншунослик фанининг баъзи услублари қўл келади. Улардан бирига биноан, жамиятда маънавий муҳит

батамом ўзгарган шароитда ҳукмрон таълимотнинг бу ўзгаришгача бўлган, лекин унинг ҳозирги мавқеига тўғри келмайдиган белгиларига, бўлиб ўтган тарихий ҳодисаларга рамзий, афсонавий тус берилади.

Аҳмад Яссавийнинг тасарруфимиз остидаги 15 дона шажаралар¹ини деб ёзади тадқиқотчи Ашурбек Мўминов шартли икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳни “Насабномайи Мавлоно Сафи ад-дин Ўрунг Қўйлоқий” умумий номи билан маълум бўлган 9 муфассал насабномалар ташкил этади. Иккинчи гуруҳга эса XVII-XVIII асрлик машҳур муаллифлар асарларида келтирилган Яссавийнинг 6 шажараси киради. Мазкур нусхаларни қиёслаш Аҳмад Яссавийнинг қуйидаги шажарасини беради. (қаранг: 1-илова).

Ўрунг Қўйлоқийнинг айтишича, Исҳоқ боб Али ибн Абду Толибнинг (вафоти 661 йил) авлодларидан бўлиб, X асрда амакиси Абд ар-Раҳим боб ва укаси Абд ал-Жамил боблар билан бирга 130 минг аскар бошчилигида Арабистондан Туркистон элига ислом тарқатиш мақсадида келади. Лекин биз тарих асарларида бу каби улкан микёсдаги ҳарбий юриш ҳақида маълумотларни учратмаймиз. Бунинг устига ишончли манбалар имом Муҳаммад ибн ал-Ҳанафия (вафоти 700 й.) - ўғиллари орасида Абд ал-Фаттоҳни ва Абд Манофни (Абд ал-Маннон) номини атамайди. Шунинг учун, Яссавий шажаралари Марказий Осиё минтақасида яратилганлигини ҳисобга олган ҳолда, биз тарихга мурожаат этишга қарор қилдик.

Маълумки, аббосийлар сулоласи (749-1258) Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ўз зафарона ташвиқотларини кайсонийларнинг ташкилотлари ва таълимотларига таяниб олиб бордилар. Ривоятга биноан, улар имоматни кайсокий имомлари Муҳаммад ибн ал-Ҳанафия, унинг ўғли Абду Ҳошим Абдуллоҳдан (вафоти 716 й.) қабул қилган. Бунинг далили сифатида аббосийларга кайсонийларнинг сариқ ўрама қоғози (саҳифа сафро) ўтди.

¹ Мўминов А. Яссавия: илдиз ва манбалар // Фан ва турмуш.- 1993.- № 9-10. -Б. 18-21.

Аббосийлар инқилобининг ғалабаси Мовароуннаҳр ва Туркистонда кўпчилик маҳаллий аҳолининг исломни қабул қилишига, турли маҳаллий диний фирқаларнинг кайсоний таълимоти билан ислом асосида яқилашувига олиб келди. Аммо халқ қаҳрамони Абу Муслимнинг разилона ўлдирилишидан сўнг (755 йили) унинг содиқ тарафдорлари аббосийларнинг ашаддий душманларига айланадилар, Хуросон ва Мовароуннаҳрда бир неча халқ қўзғолонлари бўлиб ўтади. Шулардан Хуросондаги Абд ал-Жаббор ибн Абд ар-Раҳмон ал-Яздий, Абд ал-Қаҳҳор бошчилигидаги, Мовароуннаҳрдаги Исҳоқ ат-Турк, ал-Муканнаъ раҳбарлигидаги қўзғолонларни энг йириги сифатида қайд этса бўлади. Қуролли қўзғолонлар ҳукумат тарафидан бостирилгач, кураш ақидапарастлик соҳасига кўчади. Бу борада кайсонийларнинг монавий, зардўштий, маздакий ва бошқа фирқалар билан ҳамкорлиги кучаяди. Бу ҳамкорлик натижасида юзага келган янги фирқалар Хуросонда хуррабийлар, Мовароуннаҳрда мубаййидийлар (“ок кийимлилар”) номи билан машҳур бўлди. Мубаййидийлар аббосийларга қарам бўлган сомонийлар ҳукми тарқалмаган Туркистон шаҳар ва қишлоқларида ўз тартиб, урф-одатларига очиқ риоя қилишлари мумкин эди. Кўп сонли муаллифлар мубаййидийларнинг мусулмон дунёсининг четки шарқи-шимолий ҳудудида XII асргача мавжуд бўлганлигини таъкидлайди.

X асрдан бошлаб мубаййидийлар ичида бошқа бир шиа оқими-исмоилийлар (улар бу ерда қарматийлар оти билан кўпроқ машҳур эди) ташвиқот муваффақият қозона бошлайди. Худди шу даврда турли мубаййидий фирқалари буюк мутафаккир Абу Наср ал-Фаробий ўз улкан улушини қўшган исмоилийларнинг “илму ҳикмат” таълимоти асосида бирлаша бошлайди. Бу бирлашган фирқаларнинг номларини Яссавий шажараси асосида қуйидагилар деб топишимиз мумкин:

1. Гўдакия фирқаси. Улар имомат Муҳаммад ибн ал-Ҳанафия, унинг ўғли Абу Ҳошим Абдуллоҳ (Абд ал-Фаттоҳ), Абу Муслим орқали унинг қизи Фотиманинг фарзандлари Мутаҳҳар (Абд ал-Қаҳҳор) ва Ҳорунга ўтади деб

ҳисоблаган. Бу фирқа аъзолари Ҳорунни “доно бола” (“гўдак-и доно”) деб атаган ва унинг бу дунёда адолат ўрнатиш учун қайтишига ишонган.

2.Муслимия ёки абумуслимия фирқаси. Улар имомат Ибн ал-Ҳанафия, Абд ал-Фаттоҳ, Абу Муслим Абд ар-Раҳмон ал-Хуросоний орқали Исҳоқ ат-Туркга ўтади деб ҳисобланган, Улар фикрича, Исҳоқ Абу Муслим -имомнинг ердаги халифаси. У - имом билан жамоа ўртасидаги воситачи, “дарвоза” (боб).

3.Тайёрия фирқаси. Бу, маздакия-хуррамия услубидаги фирқа аъзолари маздакия асосчиси Баттой Йаздонийни (Баттол Ғози) ва тайёрия асосчиси Абдуллоҳ ибн Муъовияни (бобоси номи билан Жаъфар Тайёр) бир шахс деб ҳисоблашган. Тайёрийлар имомат Ибн ал-Ҳанафия, Абд Маноф (ал-Маннон) орқали Баттол Ғозига (Жаъфар Тайёр) ўтишига ишонганлар.

4.Жаббория фирқаси. Улар имомат Ибн ал-Ҳанафня, Абд ал-фаттоҳ, Абу Муслим, Абд ал-Жаббор ал-Аздий орқали унинг ўғли Абд ар-Раҳмонга ўтишига ишонишган.

Бу фирқалар таралган минтақалар Сафи ад-дин Ўрунг Қўйлокий “Насабнома” асари асосида Шарқий Фарғона, Шарқий Туркистон, Ёттисув, Тароз, Исфижоб, Шош ва Фороб бўлиб, унда мубаййидийларнинг “илму ҳикмат” таълимоти кенг тарқалади. Таълимот марказида бахт - имомни, илоҳий руҳ ва унинг қонуниятларини ақлий йўл билан билиш дегаи фикр ётади. “Бахт келтирувчи билим” концепцияси шу минтақалик мутафаккирлар Юсуф Боласоғуний, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакийлар дунёқарашининг асосини ташкил этади, Сиёсий соҳада мубаййидийлар аббосийлар ва уларнинг иттифоқдошлари сомонийларга (819-1005) анъанавий тарзда муҳолиф бўлишган. Маънавият соҳасида мубаййидийлар аббосий ва сомоний суллоаларини қўлловчи ҳанафий фақиҳларига қарши кураш олиб бордилар, Ўз навбатида, бундай мунозаъат мубаййидийлар орасида ҳанафийларнинг рақиблари - қарматий ва шофиъий-суфийлар таъсирининг кенг ёйилишига олиб келди.

Минтақада ғайридин қорахитойларнинг (1125-1218) пайдо бўлиши ҳукмрон мусулмон доиралари билан боғлиқ бўлган ҳанафийлар мавқеига путур етказди. Бу ерда ғоявий-сиёсий бўшлиқ пайдо бўлди. Худди шу даврга буюк мутафаккир, суфий шоир Аҳмад Яссавий ҳаёти ва фаолияти даври тўғри келади.

Ҳазрат Яссавий дастлаб ўз ватани Сайрамда ҳанафия фақиҳи Баҳоуддин ал-Исфижобийдан (XII аср 1-ярми) анъанавий ислом илмларидан дарс оладилар. Сўнгра Ўтрорда маҳаллий мубаййидий фирқаси етакчиси Арслон боб кўлида таҳсил кўради. Таҳсил тугагач, Арслон боб Аҳмадни Ўтрор яқинидаги Яссига ўқувчиларга билим ўргатиш, қайсонийлар удуми бўйича - суфра тутмак учун (саҳифа сафро) юборади. Мусо Сайракий (1840-1917) ўз асарида қимматли факт - Убайдуллоҳ хон (1534-1539) муҳри билан тасдиқланган Арслон боб шажараси ҳақида хабар беради. Агар икки жадвални солиштирсак, фарқ асосан фақат Яссавий ва унинг отаси Иброҳим номларидагина эканлигини кўрамиз. лекин ҳеч бир ривоят ва манба Арслон боб ва Яссавийларнинг қариндошлиги ҳақида маълумот бермайди. Демак, бизнинг олдимизда - Ўтрор мубаййидий бобларининг силсиласи.

Аҳмад Яссида янги таълимот асосини қурди. Унда илму ҳикмат ва ҳанафий фикҳи маърифат ва шариа номлари билан тасаввуф байроғи остида бирлаштирилди. Лекин янги таълимот эсим фирқалар томонидан бирданига қабул қилинмади. Бунга мисол тариқасида Аҳмад Яссавий ижодидаги нодонлар кирдикорларини ва, ниҳоят, тариқат асосчиси ўғлининг ўлдирилишини келтиришимиз мумкин. Янги мактабни биринчи бўлиб эътироф этганлар қаторида Ясси шимолидаги Сирдарё бўйидаги Укуз каналидаи то Қорачуқ оралиғигача минтақада жойлашган фирқалар бўлади⁴. Худди шу ерда жойлашган Ўрунг Қулоқ шаҳрида (ҳозирги Қизил Ўрда вилояти Янги Қўрғон тумани Тўғискен давлат жамоаси ҳудудидаги Оқ Қўрғон харобалари) Сафи аддин Ўрунг Қўйлоқий томонидан яссавия тарнқати тарихи бўйича илк асарлардан бири — “Насабнома” яратилади. Кейинчалик мўғуллар ҳукмронлиги (1218—1370) даврида исломнинг давлат

дини даражасидан кишининг шахсий иши, кундалнк ҳаётӣ ҳодиса даражасига тушиб қолиши ва шу минтақада мубаййидий фирқаларнинг ўзаро мустаҳкам алоқалари яссавия тариқати таъсир доирасининг аввал Форобда, сўнгра қўшни вилоятларда кенгайншига олиб келди.

Энди, Аҳмад Яссавийнинг Хуросон шайхларидан билим олганлиги масаласига келсак, бу маълумотлар ғоят шубҳалидир. Илм аҳли орасида кенг тарқалган Яссавийнинг Юсуф ал-Ҳамадоний (вафоти 1140 й.) қўлида таҳсил олганлиги ўқидаги фикр кейинги пайтда Оврупа олимлари О.Ф.Акимускин ва В.Маделунг тарафидан қўлёзма манбалари маълумотлари асосида рад этилаяпти. Шунингдек, Яссавийнинг баъзи асарлари устози деб аталган атоқли суфий олимлар Шихоб ад-дин ас-Сухравардий (1145-1234) ва Нажиб ад-дин аш-Широзийлар (вафоти 1278 й.) билан учрашувлари шогирднинг устозлардан ёши анча катта бўлганлиги сабабли ўта гумонлидир.

Юқорида айтилганлардан аён бўладики, яссавия тариқати асосан маҳаллий синкретик кайсоний-мубаййидий муҳитида вужудга келди. Бу муҳит илдизлари ислом билан бир қаторда монийлик, маздакийлик, зардўштийлик заминидан озуқа олган. Масаланнинг бундай ҳал қилиниши яссавия таълимотини қадимий маҳаллий динлар билан қиёсий ўрганишни, турк тилидаги моний адабиёти билан илк мусулмон турк адабиёти ўртасидаги узвийлик алоқаларини муфассал тадқиқ этишни долзарб масала қилиб қўяди.

Туркистонлик Аҳмад Яссавий (ваф. 1166), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) каби валийлар эса тасаввуфнинг жаҳоншумул тариқатларининг асосчиларидирлар. Ўрта асрлар даврида Туркистонда уч асосий тариқат: «Яссавия» XII асрда, «Кубровия» XII-XIII асрларда, «Хожагония - Нақшбандия» XII-XIV асрларда шаклланиб, кейинги асрларда ўз тараққиётини бошдан кечирди.

Хўжа Аҳмад Яссавий (Аҳмад ибн Иброҳим ибн Маҳмуд ибн Ифтихор ибн Исҳоқ) яшаган давр мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитга тўғри келади. Профессор А.Фитрат яссавийликнинг ана шу мураккаб

тарихий-иҷтимоий шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлганини асослаб берган.

Яссавий яшаган даврда туркий халқларининг бир қисми ҳали ислом динини қабул қилмаган, қадимий кўчманчилик ҳолатида яшар эди. Айрим қабилалар эса, ислом динини қабул қилган бўлсада, улар онгида ислом ақидалари мустаҳкам ўрин олмаган эди. Шунинг учун яссавия тариқати бир йўла ҳам тасаввуф, ҳам дин тарғиботи тарзида майдонга келди. Ж.С.Трименгэм худди шу ҳолатни назарда тутиб: "Яссавийлик таълимоти талай диний, иҷтимоий ва маданий тармоқларга эга. У туркий қабилаларнинг мусулмоилашувида, туркий кўчманчилар орасида исломии тарғиб этишда муҳим ўрин тугади"², - деб кўрсатган эди.

Яссавий тариқати Туркистонда ёйилиши ва шухрат қозониши халқнинг руҳий-маънавий эҳтиёжи билан ҳам боғлиқ эди. Яссавий тариқати туркий забонда, оддий ва содда тилда ифодалангани, халқнинг руҳий-маънавий, диний-маърифий эҳтиёжларига мос келгани туфайли ҳам кенг тарқалди.

Яссавия таълимотининг кенг ёйилншига сабаб бўлган омиллардан яна биттаси, униш исломгача бўлган халқ расм-русумларига, турмуш тарзига асосланишидандир. Масалаи, таркидунёчиликнинг бир кўриниши - узлатга чекиниш Туркистон ҳудудида исломдан илгари тарқалган будда ва насронийлик анъаналари билан ҳам боғлиқ эди.

Шунинг учун ишимизда яссавия тариқатининг илдизлари Туркистон ҳудудда яшаган халқлар, хусусан, кўчманчи чорвадорлар руҳиятига, онгига, фикрлаш даражасига, урф-одати, маросимлари ва анъаналарига бориб тақалиши очиб берилган.

Олимлар тасаввуфга турли-туман таъриф берганлар. Уларнинг бир гуруҳи тасаввуфни "гўзал ахлоқ", "бойликка ружу қўймаслик", "нафснинг барча истакларини ва завқларини тарк этмоқ" деб баҳоласа, бошқалари "тасаввуф бу - сабр қилмоқдир", «хулқ-одобдир», "шариатнинг ботини", "Оллоҳ билан алоқа боғлаш", деб таъриф беради. Турк олими Усмон Турар юқоридаги фикрларни умумлаштириб, "Тасаввуф - инсон қалбидаги ёмон

хислатлардан халос бўлиш чораларини ўргатувчи, қалбдаги эзгу сифатлар ва уларни қўлга киритиш йўллари кўрсатувчи, маънавий мартабаларни босиб ўтиб, энг юксак мартаба бўлмиш "комил иисон" мақомига эришмоқ қоидаларини ўргатувчи ва ниҳоят, тавҳид сирларини баён этувчи бир илмдир", - деб таъриф беради.

Тасаввуфга кўра, Оллоҳнинг васлига етиш учун етти мақомни босиб ўтмоқ шарт. Булар қуйидагилар: биринчидан, тавба, яъни Яратганнинг олдида гуноҳлари учун тавба-тазарру қилиш, муножот ва қасам. Иккинчидан, вара, яъни ҳушёрлик. Бу мақомни ўтган солиқ халол, ҳаромни ажратиб олиши, биров берадигап текин луқмага эмас, қўл кучи билан тониладнган неъматга ишонмоғи лозим. Кейинги мақом зуҳд ёинки тийилиш. Зуҳд этган дарвиш, аввало, нафсии тиймоғи, яхши либослардан, тотли таомлардан, аҳли аёлдан, хуллас, бу фоний дунёнинг ўткинчи лаззатларидан йирок юрмоғи даркор. Шу йўл билан сўфий тўртинчи мақомга етиб, фақир ёки мискин унвонини олади. Бешинчи мақом - сабр. Мурид туну куп Оллоҳдан сабр тиламоғи, иродасини қўлга олиб, вужудини, қалбини, руҳини сабру сукут ила зийнатлаши лозим. Офиққа сабр, озорга, хўрликка сабр, сабр ва яна сабр. Сабру бардош уни олтинчи мақомга - таваккулга топширади. Ёлғиз Парварлигорнинг марҳаматига, лутфу карамига суянади. Оллоҳ таоло ҳам ўз бамдасининг ғамини ейди. Ниҳоят, узоқ йиллик азиятлардан кейин сўфий сўнгги боскич - ридога қадам қўяди. Ридо - тобелик, Оллоҳнинг ҳукмига бўйин эгиш. Бу ҳолатни сўфийлар шундай шарҳлайдилар: «Туғилмоқ бор, ўлмоқ бор. Демак, ҳаёт билан ўлим орасидаги фурсат бизга омонат берилган. Омонатга хиёнат бўлмасин десанг, руҳингни покла, ўзингни ёмон хислатлардан халос эт. Ҳар бир кимса ўзини яхши хулқлари билан зийнатласа, жамики инсоният покланади, дунёда инсоф, адолат, имон қарор топади ва жабр, зулм, ёвузлик, залолат барҳам топади".

«Фақрнома»да Яссавийнинг тасавуф мақомлари талқини батафсил таҳлил қилинади. Хусусан, асарда бу боскичлар қуйидаги тартибда берилган:

«Мақоми жабарут - шариат турар, Мақоми малакут - тариқат турар, Мақоми лохут - маърифат турар, Мақоми носуг - ҳақиқат турар». Санаб ўтилган тўрт босқич (мақом)нинг ҳар бири яна ўнтадаи мақомни камраб олади. «Хожа Аҳмад Яссавийнинг айтганлари» тарзида берилган бўлсада, унда яссавийлик йўлинининг қоиун-қоидалари ва тартиблари муфассал баён қилинган.

Умуман олганда, яссавийликнинг талқини уни бир яхлит таълимот сифатида, яъни, махсус амалий қоида, мақом, уларнинг маънавий жиҳатлари комил иисои шаклланиши жараёни билан чамбарчас боғланган.

Манбалар кўрсатадики, ўрта асрларда сўфийлар иккига: дайдиб юрувчи, гадойлик қилувчи, жамоат тартибини бузувчи дарвишлар ва сўфий-уламоларга бўлинган. Яссавий тарғиб қилган "Луқма ҳиллияти", яъни луқманинг ҳалоллиги талаби чин дарвишга, ҳақиқий сўфийга, дайдиб юриш, гадойлик қилиш" имконини бермаган. Қўлидан иш келадиган ҳар бир сўфий фойдали меҳнат билан шуғулланган, фақат, ўз меҳнати билан топилгап нон ҳалол ҳисобланган. Шайхларгина эмас, уларнинг атрофидаги дарвешлар ҳам биргаликда кўрғонлар қурганлар, вақф ерларини ишлаганлар, боғдорчилик, чорвадорлик билан шуғулланиганлар. Шунинг учун ҳам Яссавий «Банда бўлсанг меҳнат топгил», деб ёзадн.

Марказий Осиёда кенг тарқалган яссавийлик ва накшбандийлик тариқатларининг соликлари ўз таълимотлари ҳамда амалий ҳаёт тарзида бу дунёда қилинадиган яхшиликлар, эзгу ишлар маънавий камолотга эришиш, маърифат жавоҳирлари билан абадий гўзал, саодатли ҳаётга мушарраф бўлиш омили эканлигини яхлит тарзда тушунишларини таъкидлайдилар. Бундай умумий жиҳатлар, улар мансуб бўлган маънавий замин ва асосий мақсаднинг (комил инсон орзусининг) яхлитлиги билан изоҳланади.

Аҳмад Яссавий ҳаёти, фаолияти, ижоди ва таълимотини фалсафий-тарихий нуқтаи назардан ўрганиш шуни кўрсатадики, ушбу буюк шахс Марказий Осиёлик ва кўпгина бошқа Шарқ халқлари маънавий ҳаётида улкан хизмати, аввало, унинг ушбу халқлар, хусусан, туркий халқлар

исломлашувининг жадаллашувига, шариат билан тасаввуфнинг ўзаро боғланишларининг яна ҳам мустаҳкамлашнишига, тасаввуф ғояларининг Шарқда кенг тарқалишига, замонасининг зулмат ва зўравонликларига қарши курашга улкан ҳисса қўшганлигидадир.

Яссавийлик ўзининг бевосита асосий маънавий-ғоявий манбаи ислом дини ва илк тасаввуфий қарашлар билан бирга, билвосита исломгача бўлган Марказий Осиё ва бошқа Шарқ халқлари маънавий қадриятлари, жумладан, зардуштийлик таълимоти таъсири остида шаклланган.

Яссавий таълимотининг алоҳида таъсирчанлиги, унинг халқ орасида кенг тарқалиши, аввало, унинг тасаввуфий қоидалари, амалиёти ва уларнинг маънавий жиҳатлари узвий боғланганлиги, тариқатнинг мураккаб ва чуқур ғоялари содда, халқ тилида изҳор этилганлиги ва чуқур инсонпарварлик ғояларини ўзига камраб олганлиги билан изоҳланади.

1.2. Яссавия таълимотининг моҳияти ва ғоялари.

Яссавия тариқатининг асосчиси туркистонлик Аҳмад Яссавийдир. Адабиётларда Аҳмад Яссавий 1166 йил пайғамбар ёшида чиллага кирганлиги қайд этилади. Агар ушбу санадан пайғамбар ёшини чиқарсак 1166-63-1103 келиб чиқади. Шунга қараганда, Аҳмад Яссавий 1103 йил туғилган бўлиб чиқади.

“Ҳазрат Яссавий дастлаб ўз ватани Сайрамда ханафия фақиҳи Баҳоуддин ал-Исфижобийдан анъанавий ислом илмларидан дарс оладилар. Сўнгра Ўтрорда маҳаллий мубаййидий фирқаси етакчиси Арслонбоб қўлида таҳсил кўради”.²

Яссавий Арслонбоб кўрсатмаси билан Яссига боради ва у ерда маълум вақтгача толибларга ислом асосларидан дарс беради. Кейинроқ ўз билимини бойитиш учун Бухорога бориб машҳур мутасаввиф Юсуф Ҳамадоний қўлида сабоқ олади. Қайтиб Яссига келиб ўз ғояларини тарғиб этади. “Буюк мутафаккир ва файласуф Яссавий турк дунёсидаги биринчи тариқатнинг асосчисидир”, “Унгача на динда ва на турклар тарихида бирор шоир ва мутафаккир бўлган эмас эдики, турк дунёси ривожига сезиларли таъсир этган бўлса”¹. Яссавий манбаларда нафақат туркий тасаввуфий таълимот асосчиси, балки “...туркий тасаввуф шеъриятининг асосчиси сифатида дунёга машҳур”лиги ҳам айтилади. Унинг “Ҳикматлар девони” ҳам диний, ҳам тасаввуфий, ҳам бадиий асардир. Яъни, айтиш мумкин тасаввуфна, содда халқ тилида ифодаланган шеърият, давра рақслари тариқат, зовия, такъя, хонақоҳлар ҳаётида, кейинчалик эса дарвешлар тариқатлари, қаландарлар амалиётида асосий рол ўйнай бошлаган эди. Ва бу тасаввуфна бадиият асосини Яссавий бошлаб бериб, Ҳаким Сулаймон ва бошқа мутасаввифлар давом эттирган «ҳикмат» айтиш анъанаси ташкил этар эди. Демак, Яссавий дунёқараши ва яссавия тариқати тўғрисида сўз айтар эканмиз, аввало унинг ҳикматларига,

² Мўминов А. Яссавия: илдиз ва манбалар.// Фан ва турмуш. 1993. -№ 9-10. –Б. 19.

¹ Ирек уо'ли. уйл:1. sayi: 6. Спецвыпуск. - Б. 82.

қилган амалларига ва Яссавия издошлари, жумладан Сулаймон Боқирғоний, Занги Ато, Атоий, Азим Хожа Эшон ва бошқаларнинг у ҳақидаги маълумотларига таянамиз.

Яссавия ҳам бошқа тасаввуфий тариқатлар каби «фано йўли» ни, «Ҳаққа восил бўлиш»ни тарғиб этади.

Ҳақиқатда Яссавий ҳаётида «фано йўли»га амал қилди ва бунга етишиш учун Муҳаммад Мустафо йўлини танлади. У ҳазрат, ҳазрат пайғамбаримизнинг «фақрлик фахримдир» қудсий калималарини ўзининг доимий ҳаётӣ шиори қилиб олдилар ва бунга амал қилдилар.

Умуман олганда, «фақрлик-фахрим» ҳадисининг тасаввуфона талқини фақат Яссавийга эмас, XI-XII асрлардан анча олдин, масалан, X аср аввалларида ҳам, кейинги тариқатлар даврида ҳам кўпчилик буюк мутасаввифларга бирдек хос эди дейиш мумкин. Нажмиддин Кубронинг фикрича; «Фақр - нури Худо турур, ҳар кимга ул нурнинг зиёси тегса, онинг зиёсидан камоли ишқ топура», ёки Мансур Халложнинг фикрича «Фақр дийдори Ҳақ таъоло турур, ҳар ким кўрди, кўрмади»¹, фақр одам Оллоҳга тегишли, инсоннинг вужуди ҳам ўзиники эмас, чунки у ҳам Яратганнынги мулкидир, дейди бошқа бир мутасаввиф.

Фақрлик йўлининг асоси бу ҳоксорлик, Яссавий ҳазратлари ибораси билан айтганда;

“Бошим тупроқ, ўзим тупроқ, жисмим тупроқ

Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ”²,

Ёки: “Барча яхши, биз ёмон,

Барча буғдой, биз сомон”³, демакдир.

Фақрлик мақоми, Бохарзий таснифи бўйича, бир неча босқичлардан, яъни Жамоли, Жалоли ва Камолидан иборатки, бу Оллоҳнинг Гўзаллик,

¹ Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. - Т.: 1992. –Б. 16.

² Ўша аср. –Б. 32.

³ Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот. –Т.: 2003. –Б. 17.

Қудратлилик ва Етуклик каби номларига мос келади. Уни ўзлаштириш эса, “Комил инсон” мақомига эришиш саналади¹.

Ғариблик, фақрлик, етимлик, хоксорлик, камбағаллик фоний дунёда сўфийни Ҳаққа восил бўлиш йўлида ҳар қандай чекинишлардан, бурилишлардан, тойилишлардан сақлайди. Энг муҳими, бундай сўфийлар нафс балосига гирифторликдан ҳоли бўладилар ва имкон қадар кўпроқ Ҳақ ёди билан яшайдилар. Яссавиёна айтганда:

Ғариб, фақир, етимларни Расул сўрди,
Ўшал туни Меърож чиқиб дийдор кўрди².
Ғариб фақр, етимларни ҳар ким сўрар,
Рози бўлур ул бандадан Парвардигор³.

Демак, фақирлик йўлдан борувчилар Муҳаммад Мустафо хазрати пайғамбаримизга ва ҳатто Яратганга маъқул кишилар саналар эканлар.

Яссавий ўз ҳикматларининг бирида фано йўлига 22 ёшида етишганлигини айтади:

Мен йигирма икки ёшда фано бўлдум,
Марҳам бўлиб, чин дардликка даво бўлдум,
Ёлғон ошиқ, чин ошиққа гувоҳ бўлдум,
Ул сабабдан Ҳаққа сиғниб келдим мано⁴.

Яссавий фақрлик йўлига тўрт ёшида кириб, умр бўйи кишиларни бу йўлга даъват этди. Ушбу тариқат, йўналиш асосчиси Аҳмад Яссавий фақрликни ўзига маёқ қилиб олиб, Муҳаммад Мустафо изидан бориб, 63 ёшида қолган ҳаётини ер остига кўчирди:

Тўрт ёшимда Ҳақ Мустафо берди хурмо,
Йўл кўрсатдим, йўлга кирди неча гумроҳ,
Қайга борсам, Ҳизр бобом менга ҳамроҳ,
Ул сабабдан олтмиш учда кирдим ерга¹.

¹ Суфизм в контексте мусульманской культуры. - М.: 1989. -С. 112.

² Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Т.: 1990. -Б. 41.

³ Ўша асар. - Б. 45.

⁴ Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. - Т.: 1992. -Б. 27.

Яссавия тариқати баъзи бир муаллифлар ёзганидек «таркидунёчилик», «нисбатан содда тариқат» эмас, балки чин маънодаги халқчил, илғор ва аҳамиятли, кенг қамровли тариқат эдики, у тасаввуф тарихий тараққиётида ўзининг муносиб ўрнига эга. У ўзида умумий тасаввуфий ғояларни ифодалаб, бу борада бошқа тариқатлар билан узвий боғлиқдир.

Тасаввуф тарихида “Султон - ул – орифин” - орифлар султони номини олган Аҳмад Яссавий ҳақиқатда ориф инсондир. Шугина эмас, Яссавий «орифлар султони»дир, яъни Ҳақни таниганлар етакчисидир.

Ҳазрат Алишер Навоий Аҳмад Яссавий тўғрисида “Туркистон мулкининг шайх-ул-машшойихидур ..”, “Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидур” - деб ёзганлар.

Яссавия тариқатининг кейинги тараққиёти унинг издошлари фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Кейинги асрларда Яссавия тариқати таркибидан Боқирғония (асосчиси Ҳаким Ота ёки Сулаймон Боқирғоний), Бектошия (асосчиси Ҳожа Бектош Валий) каби шаҳобчалар ажралиб чиқди. Ориф Усмоннинг таъкидлашича, Ҳожа Бектош Валий Аҳмад Яссавийнинг муриди Шайх Лукмон Парранданинг шогирдидир¹. Яъни, Ҳожа Бектош Валий Аҳмад Яссавийнинг шогирдининг шогирдидир. Ўз шаҳобчаларининг таъсири натижасида яссавия тариқатининг таъсир доираси Мовароуннаҳр чегарасидан чиқиб, Кичик Осиё, Туркия, Эрон, Кавказ, Шарқий Туркистон, Волгабўйи халқлари орасида кенг ёйилди ва жаҳоншумуллиқ касб этди.

Шуни айтиб ўтиш зарурки, яссавия «хожагон-нақшбандия» ва бошқа тариқатларга катта таъсир кўрсатган. Айни пайтда Ю.Пауль, Де Вин Де Виз, А.Мўминов, Б.Бобожонов, А.Зоҳидийларнинг янгича ёндашувлари (ҳам манбавий, ҳам фалсафий, диний-тасаввуфий тариқатлар тараққиёти ва ўзаро муносабатлари ривожини фалсафа тарихи нуқтаи-назарида тадқиқ қилиш) шуни кўрсатмоқдаки, Яссавия тариқатлар ривожини учун асос бўлиб қолмай, Яссавия билан Хожагон-нақшбандия, Кубровия каби тариқатлар, бундан

¹ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. - Т.: 1991. -Б. 51.

¹ Ориф Усмон. Бектошия. // Мулоқот. -1997. -№ 2. -Б. 53.

ташқари «Аҳли сунна ва жамоа», шунингдек, «Аҳли шийа» оқимлари ўртасида ўта мураккаб рақобат муносабатлар, ўзаро таъсир мавжуд бўлган.

Биринчидан, XII-XV асрларда «Хожагон-нақшбандия» «Яссавия» мероси, анъана ва амалиётини фалсификация йўли билан «ўзиники» қилиб олишга уриниш; иккинчидан эса, мазкур йўл билан бутун Марказий Осиё бўйича ўз таъсир доираларини чегаралаб, гўё Яссавия Туркистон, Дашт билан чекланган ва бошқа минтақаларда таъсирга эга бўлмаган, деб кўрсатиш; учинчидан эса, яссавия, кубровия ва хожагон-нақшбандия ўртасида, айниқса XIV-XVI асрларда қизғин рақобат кураши бўлганлиги; тўртинчидан, XVI асрдан бошлаб эса, хожагон-нақшбандия яссавия ва кубровия тариқатларининг Марказий Осиёдаги таъсирини йўққа чиқаришга сезиларли маънода эришганлиги ва ҳоказо жиҳатларда талкин этилади.

Бу даврда хожагон-нақшбандиянинг фаол таъсири нафақат тасаввуф тариқатлари соҳасида, балки ижтимоий-фалсафий тафаккур таракқиётида тобора кучайиб борган.

Шарқда кенг тарқалган тариқат ва сулукларнинг умумий, муштарак хусусиятларини Оллоҳ васлига етишга, ислом дини, Қуръон ва шариатнинг қонун-қоидаларига амал қилишга, шу асосда, комил инсонни тарбиялашга даъват этишдир. Ҳазрат Мир Кулол бежиз "Тариқат - шариатни муҳофаза этувчи илоҳий амалдир", демаган.

Аҳмад Яссавий ҳам «Оят, ҳадис ҳар ким айтса соме билгин», дейди. У ислом арконларидан бохабар бўлмоқликка ундайди, сирли маъно ташувчи бундай ҳикматларни тингламайдиган ва мазмунини англамайдиганларни эса, «мўмин эрмас» дейди.

Оллоҳ ишқи Хўжа Аҳмад Яссавийнинг асосий мақсадини рўёбга чиқаришда танлаган тасаввуфона йўлларида, тариқатнинг асосий талабларидаи биридир. Ишқ балоси бошга тушса нолон қилур, Ақлинг олиб, беҳуш қилиб ҳайрон қилур, - деб ёзади у. Мана шу нарса ошиқни маърифатга олиб борадиган қудратдир. Шунини таъкидлаш лозимки, Яссавий тасаввуфнинг кўпгина муаммоларини, яъни, бақо, фано, тавҳид, ҳол, мақом

ва бошқаларини ишқ, илоҳий ишқ, комил инсон тушунчаларидан келиб чиққан ҳолда англашга ҳаракат қилади. У қуйидаги умумлаштирилган фикрга келади:

Шариатни, тариқатни билғай десанг,

Тариқатни ҳақиқатга улай десанг,

Бу дунёдин дурру гавҳар олай десанг

Жондан кечкин, хос қуллари ўлар эрмиш. Бунинг бирдан бир мазмуни дунёнинг тинчлиги ва фаровоилиги, инсоният келажаги пок ниятли, доно ва оқил, илоҳий ишққа берилган инсонлар фаолиятига боғлиқлигидир.

Аҳмад Яссавийнинг борлиқни, ҳаётни, инсонни мана шу илоҳий ишқ фалсафасига мувофиқ талқин қилиши собиқ шўро ҳукуматидаги ҳукмрон мафкура талабларига зид эди. Оқибатда, "совет мусулмонлари" ўз динларига, унинг буюк руҳоний ва шайхларига қарши қўйиб келинди. Маълум даражада холислик билдирган таниқли адабиётшунос Э.Рустамов сиёсий айбномалар гирдобига қолди. И.Мўминовнинг хизмати шундан иборатки, у мустабид тузум даврида Яссавийнинг "Ҳикматлар" асари ўзбек адабиётининг қимматбаҳо ёдгорлиги эканлигини, унда деҳқонлар, хунармандлар, чорвадорларнинг ҳаёти, ислом дини ва тасаввуф, ўша даврининг ижтимоий тартиблари ҳаққоний акс эттирилганини дадил айта олди.

Аҳмад Яссавий инсондаги ёмон иллатлирнинг негизи нафсда деб билади ва унга қарши курашиш кераклигини уқтиради. У нафсни тийиш, мол дуёга ҳирс қўйиш; тамагирлик, баднафслик, нокасликни қоралайди. Нафс домига тушган киши ҳеч парсадаи тап тортмайди, ҳаромдан ҳазар қилмайди, бошқалар ҳисобига бўлсада, яхши яшашни ўйлайди. Оқибатда, у золим, бераҳм, риёкор бўлиб қолади. Яссавий ёзади:

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,

Йўлдаи озиб, тойиб, гумроҳ бўлур.

Яссавийнинг фалсафий талқинича, нафсга эрк бермаслик, бу "такаббурнинг ерга уриб босиб олиш"нинг асосий йўли сабр (қаноат, чидам) ва таваккулдир. Чунки сўфийнинг душмани бўлган нафс сабр орқали

жиловланади, тоатдаи ҳаловат топиш эса, таваккул билан бўлади, сабр инсонийлик қадрини сақласа, таваккул қудрат бағишлайди.

Сабр этувчи: 1) ўзи ва оиласи учун зарур барча неъматларни Ҳақдан сўрайди, ундан ўзгага нола ҳам, илтижо ҳам, шикоят ҳам қилмайди;

2) турмушдаги баъзи кам-қўстлар, етишмовчиликлар чоғида Яратгаиға суянади. Натижада, сабр иймоннинг ярмига, таваккул илоҳий файзга, эътиқодли кишининг иймонига тенглашади.

Файласуф шоир одил шахсларни ҳам адолат устунлари деб билади ва давлат шундайлар билан "хуш"лигини таъкидлайди:

Хуш давлатдир вилоятда подшоҳ бўлса,

Одил бўлиб, бир мўминни қози қилса.

Хўжа Аҳмад Яссавий золим, зулмкор кимсаларга оқил, доно инсонларни қарши қўяркан, биринчи тоифага Ҳақ - таоло қудратини эсга олишни, яъни охиратни ўйлашни маслаҳат беради, иккинчи тоифага эса, унинг талаби ниҳоятда катта. У "Оқил эрсанг эранларга хизмат қилгил", деганида мард кишиларни эътиборда тутати. Бироқ унинг ўзи шундай одамларни излай-излай, охири бундай ҳолатга етади:

Ер остига қочиб кириб нодонлардин,

Илким очиб дуо тилаб мардонлардин.

Ғариб жоним юз тасаддуқ донолардин,

Доно топмай ер остига кирдим мано.²

Яссавийнинг фикрича, инсон нодонлик ва жаҳолат чоҳига тушмаслиги мумкин. Бунинг учун у илм эгаллаши, "олимларга хизмат" этиб, улар "сўзига амал" қилиши зарур. Чин олимлар "тану жонга раҳбар турур)", илмларни эгаллаган, тариқатнинг "айн ул-яқин"и, шариатнинг "илм ул-яқин"и, ҳақиқатнинг "ҳақ ул-яқин"и босқичларини садоқат билан ўтаган кишилардир. Бу рўйхатда "айи ул-яқии" тўлиқ илмии, тажриба орқали ишонишни, "илм ул-яқин" китобий билим орқали ишониш, "Ҳақ ул-яқин" ўзн тажриба воситасига айланиб, ҳақиқатга ишонишни англатадики, Аҳмад яссавий назарида уларни чуқур ўзлаштирган комил инсондир.

II-БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ

2.1. Нақшбандия тариқатининг шаклланиш омиллари

Баҳоуддин Нақшбанд ислом оламида Баҳоуддин Балогардон, Ҳазрат Баҳоуддин, Шоҳи Нақшбанд, Хожа Баҳоуддин, Имоми Раббоний, Ҳожаи Бузруг ва Ҳожа ул Ҳақ ва дин каби шарафли номлар билан машҳур бўлганлар. Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг исми-шарифи турлича номлар билан зикр этилади.

Алишер Навоий ёзади: «Аларнинг оти Муҳаммад бин Муҳаммад Бухорийдур»¹- деб. Асослиси "Баҳоуддин Муҳаммад ибн Бурхониддин Муҳаммад ал-Бухорий"дир. Бурхониддин Муҳаммад ва Биби Орифалар оиласи Жанубий-Ғарбий Туркистоннинг XIV аср бошларидаги бош шаҳарлари Бухорода – “Қасри Ҳиндувон”, кейинчалик “Қасри Орифон”да, Қарши, Занжирсарой, Кеш (Шаҳрисабз)да яшаганлар, зироатчилик, кимхобдўзлик билан кун кечирганлар. Баҳоуддин падари бузрукворининг Бурхониддин Муҳаммад шарафли унвони у зот замонасининг ўқимишли, маърифатли ва ўта тақводор, сўфий – орифлар, дарвешлар, шу жумладан Бобойи Самосий, Амир Саййид Кулоллар давраларида ирфоний мулоқот муҳитида юрган инсон бўлганлиги ҳақида хулоса чиқариш учун асос бўла олади. Отаси Баҳоуддинни айнан увайсий сўфийлар зикр суҳбатларига жуда эрта олиб кирган, ўшалардек покдомон, тақводор мусулмон бўлиб етишишини орзу қилган кўринади.

Айни пайтда Муҳаммад Боқир тасниф этган “Мақомоти Ҳожа Баҳоуддин” асарида келтирилган баъзи ишончли маълумотлар Баҳоуддиннинг отаси Бурхониддин Муҳаммад ҳам, кейинчалик Баҳоуддин ҳаётида бўлганидек, мамлакат, ўша даврдаги Ҳалил Ғазон Хон, унинг отаси Бўёнқули давлат идора ва бошқарув сиёсатида аралашган зотлардан бири

¹ Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат. МАТ. 20 томлик, 17 том. - Т.: 2001. – Б. 261.

бўлганлиги, демак кейинчалик ўз фаолиятининг йигитлик даврида, яъни 1335-1347 йилларда сиёсий ҳаётда фаол қатнашганлиги тасодифий бўлмай, тамомила зарурий, қонуний бўлганлигини тасдиқлайди. Баҳоуддиннинг энг яқин ва севимли муриди Амир Хусайн қуйидагича гувоҳлик берган: “Ҳазрати Ҳожа мени Қаршидан Амир Бўёнқули лашкаргоҳига – оталарининг олдига юбордилар. Оталари шу лашкарда эди Мени лашкаргоҳга етказиб қўйдилар. Ҳожамизнинг оталари (ўша онда) у ерда йўқ экан. Амир билан шикорда эканлар.. (Сипоҳийлари билан учрашиб) салом қилиб хабар сўрадим.. Ҳожамизнинг Атоларига сизнинг хабарингизни етказганлар, улар сизни интизор бўлиб кутмоқдалар... Ҳожанинг оталарини топдим. Ҳожанинг саломларини етказдим. “Фарзандим Баҳоуддин нима деди?” деб сўрадилар. Бунга жавобан Амир Хусайн “Уларнинг қўлидаги нарсани олар экансиз, шунда келарканлар, агар келмасалар, қўлларидан кетар экан, деб айтгин дедилар”, дедим. Ўша пайтларда Бурхониддин Муҳаммад ҳали Халил Ғозон Хон ўрдасида, ҳали Қаршида, ҳали Бухорода давлат ва лашкар ишлари билан жуда банд бўлган бўлса керакки, Амир Хусайн Бурхониддин Муҳаммадга “Ҳожа сизга қаттиқ мунтазир эдилар..”, “..ўзингиз кўриб турибсиз, Ҳожа сизга интизордирлар”¹, деб бир неча бор қаттиқ тарзда Баҳоуддинга жавоб беришини талаб қилса ҳам, жавоб бера олмаган. Сўнгра мағлубиятга, талон-тарожга учраган. Шундан сўнггина Бухорога юрганлар. “Қаршига етиб келганимизда Ҳожанинг оталари бу ерда тўхтадилар. Ҳожанинг оналари шу ерда эдилар”². Бу манбавий маълумотлар бизнинг фикримизча Баҳоуддин ва унинг отасининг 1327-1347 йилларда Халил Ғозон Хон ҳокимиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсий ориентацияси бўлганлигини кўрсатади.

Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳижрий 718 йил мезон ойида (бу мелодий 1318 йил август-сентябр ойларига тўғри келади) Бухородан 12 чақирим наридаги Қасри Хиндувон кишлоғида косиб оиласида дунёга келади. Кейинчалик қишлоқ четидаги Баҳоуддиннинг оналари хоки қўйилган

¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Юқоридаги асар. – Б. 12, 126.

² Ўша асар. – Б. 127-128.

кабр ва унинг қошидаги масжид ва унинг атрофидаги қишлоқ Қасри Орифон номи билан тарихга кирган¹. Баҳоуддин у кишининг фахрий номлари бўлиб, дину-исломда эришган ютуқлари учун халқ томонидан берилгандир. Маъноси - диннинг нури, динга равшанлик берувчи демакдир. Бутун ҳаёти давомида ўзининг кароматлари, дуои ҳофизалари билан халқни турли хил офату-балолардан сақлаб юрганликлари учун халқ у кишини Баҳоуддин Балогардон (Балони даф этувчи Баҳоуддин) деб улуғлашади. Халқ оммаси орасида юқоридаги 7 кунияларнинг ушбуси энг машҳурдир. Хожанинг "Нақшбанд" кунияси эса арабча "нақш", форсча "банд" сўзларининг бирикмасидан ясалган бўлиб, "нақш солувчи, нақш боғловчи" деган маъноларни билдиради.

Аввало, Нақшбанд номи ҳазратнинг касби-коридан олинган. У киши косиб оиласида дунёга келганлар, ўзлари ҳам ҳунармандчилик билан машғул бўлганлар. Алишер Навоий "Насоим-ул-маҳаббат" асарида ёзади: "Кимхоб нақшини боғламоққа машҳурдирлар", яъни матога гул босиш ҳунари билан машғул бўлганлар.

Қолаверса, қатор (масалан: Иззат Султон, Ориф Усмон, Садриддин Салим Бухорий ва бошқалар) шарқшунос, исломшунос, адабиётшунос ва тарихшуносларнинг фикрича "нақшбанд" номи "нақшбанд бар дил банд", яъни кўнглингда Оллоҳ Таоло зикрини нақш айла демакдир. Демак, "нақшбанд" сўзининг мазмуни уларнингча юракда, қалбда Оллоҳ номини ўйиш демакдир.

Агар юқоридаги фаразларни Нақшбанд номи билан муқояса қилсак, барчасида ҳам ҳақиқатга яқин фикрлар ётибди, лекин бизнинг фикри ожизимизча, Баҳоуддин Нақшбанднинг умрбоқий шиори "Дил ба ёру, даст ба кор" шиорига таяниб, аввал иккинчи ва кейин биринчи фараз-фикрни ҳақиқатга яқинроқ деб биламиз. Яъни улар асосида, Нақшбанд кўнглида Оллоҳни жо қилган ва қўли меҳнатда бўлган инсон, устоз ва буюк авлиё эди дейиш мумкин.

¹ Зоҳидов Б. Баҳоуддин Нашбанд меъморий ҳазира. - Т.: 1993. – Б. 2.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам насаб, ҳам ҳасаб томонлама, яъни ҳам "силсилаи насаб", ҳам "силсилаи заҳаб" (олтин занжир), турли, ўнлаб, ҳатто юзлаб шажараларда турли жузъий ва тариқатий тафовутларга қарамай охир-оқибатда Муҳаммад пайғамбаримизга боғланади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик илмгоҳи қўлёзмалар хазинасида 4494 рақами остида сақланаётган Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг «Анис-ут-Толибин» номли қўлёзмасида¹, Жомийнинг «Нафохот-ул-унс..»ида, шунингдек, Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожаи Бузрук» (№9519), ҳамда Хожа Абдурахим ибн Хожа Абдурахмон Ҳисорийнинг «Тухфат-ул-ансоби Алавий» (№1459) қўлёзмаларида ва бошқа манбаларда Баҳоуддин Нақшбанд ўз насаб шажарасига кўра Муҳаммад пайғамбар авлодларига мансуб, саййидзодалардан эканлиги ҳужжатлар асосида қайд этилган².

Юқорида айтиб ўтилган манбалар маълумотларига кўра, Баҳоуддин Нақшбанд ўз силсилаи шарифи 17, 18 ёки 21 силсила орқали ҳам Муҳаммад Пайғамбаримизга бориб такалади. (5-6 иловаларга қаранг) Муҳаммад Боқирда берилган ушбу Нақшбанднинг уч силсилаи заҳабининг биринчиси "Музақкири Аҳбоб"³ даги берилган Ҳазрати Хожамиз Баҳоуддин "фарзандлик назари" тартиби билан мос келиб, унда ҳам ҳазрат 18 устоз орқали Муҳаммад алайҳиссаломга бориб боғланади: Муҳаммад алайҳиссалом, Ҳазрати Али, Имом Ҳусайн, Имом Зайнулобиддин, Имом Муҳаммад Боқир, Имом Жаъфар Содиқ, Абу Язид Бистомий, Абулҳасан Харақоний, Абул Қосим Кўрагоний, Абу Али Формидий, Абу Ёқуб Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолик Гиждувоний, Ориф Регварий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Азизон Рометоний, Бобойи Самосий, Саййид Мир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд.

¹ Бобохонов Ш.З., Мансур А. Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. - Т.: 1993. – Б. 6-7.

² Юқорида номлари келтирилиб, санаб ўтилган манбалар қўлёзмалари, уларнинг кўплаб нусхалари Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида саланмода.

³ Хасанхожа Нисорий. Музақкири Аҳбоб (Дўстлар ёдномаси). Тазкира. - Т.: 1993. – Б. 18.

Бизнингча, ушбу 18 пиллапояли Нақшбанд силсилаи заҳаби ҳақиқатга энг яқин вариантдир. Кейинги эълон қилинаётган маълумотлар бизнинг таҳлилий ва қиёсий хулосамиз тўғрилигини тасдиқламоқда.

Айни пайтда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд она томонидан насаблари Сиддиқийлар, яъни Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади. Бу асосида айтиш мумкинки, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам ота, ҳам она томонидан Муҳаммад Пайғамбаримиз авлодларидандир.

Ҳали Баҳоуддин туғилмасданоқ Хожа Бобойи Самосий Қасри Хиндувон қишлоғидан ўтаётиб, бу тупроқдан бир эр иси келур ва у рўзгорининг муқтадоси (шаҳар йўлбошчиси) булғай, деб башорат қилган экан. Баҳоуддин туғилгандан сўнг уни Бобойи Самосий фарзандликка қабул қилади. Унга Муҳаммад деб исм қўйиб, унинг тарбиясини шогирди Саййид Мир Кулолга топширади. Бу тўғрида Навоий ёзади: "Аларга қабул назари Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдиндур ва тариқат таълими зоҳир юзиндин Амир Саййид Кулолдиндир, андоқки, деб эмишлар. Аммо ҳақиқат юзидан алар увайсийдирлар ва тарбият ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний қ. с. руҳидан топибдилар". Навоий талқинига кўра, Баҳоуддин Нақшбанд суфийлик даражасига Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг ғойибона сабоқлари орқали эришади. Аввало, Баҳоуддин Саййид Жалолиддин ва Биби Орифа хонадонида Қуръони Карим, Ҳадиси шарифдан ва бошқа суфийлик илму-каломлардан дастлабки сабоқни олди. Етти ёшидаёқ Қуръони каримни тўлиқ ёд биларди, яъни қори эди.

Насафга (Қаршига) Мир Саййид Кулол ҳузурига келганда Баҳоуддин ўн бир ёшда бўлганлар. Демак, ҳали Саййид Мир Кулол ҳузурига келмасданоқ Баҳоуддин Нақшбанд Қуръонни ёд билган ва тасаввуф маърифатидан бохабар эди. У Саййид Мир Кулолдан нафақат тасаввуф асосларини, буюк машойихлар асарларини, шариатни, фикҳни, балки дунёвий фанлардан ҳам сабоқ олди. У Саййид Мир Кулолдан 7 йил сабоқ олган. Шундан сўнг она қишлоғига қайтиб келади ва Муҳаммад Боқирнинг

ёзишича, 18 ёшида¹ уйланади. Лекин бизга Нақшбанд оиласи ҳақида жуда оз нарсаси маълум.

Баҳоуддин Муҳаммаднинг бир ўғил фарзанди бўлганлиги ҳақидаги Муҳаммад Боқир, унинг ўз сўзлари билан келтирган иккита шаҳодатлиги бизгача етиб келган. «Насаби тоза саййидлардан бири нақл қилиб деди: «Ҳазрати Ҳоҷамиз, .. Байт-ул-Ҳаром (Каъба) зиёратига борганларида хожилар қурбонлик қилиш билан машғул эдилар. Ҳазрати Ҳоҷамиз: «Биз ҳам бир ўғилга эга эдик, уни қурбон қиламиз», дедилар. Улар билан бирга бўлган дарвешлар бу сўзнинг ой-қунини ёзиб қўйдилар. Бухорога қайтиб келганларида, бу сўз уларнинг муборак оғизларидан чиққан қуни ул зотнинг ўғиллари вафот этганликлари маълум бўлди»².

Бошқа бир жойда яна қуйидагича Баҳоуддиннинг ўз сўзлари келтирилган: «Ҳазрати Ҳожа дедилар: «Биз Ҳақ Таоло инояти билан Расул, С.А.В.! га мос иш қилдик. Бизнинг ўғлимиз ҳам ўлди. Нимаики Ҳазрат С.А.В.! да юз берган бўлса, ирода хоҳиши туфайли бизда ҳам юз берди»³. (Муҳаммад С.А.В.! ўғли вафотига ишора).

Демак, Баҳоуддиннинг ҳеч бўлмаганда бир ўғил фарзанди бўлганлиги манбавий исботланди деса бўлади. Аммо, бошқа манбаларнинг билвосита гувоҳлик беришича, Баҳоуддиннинг бошқа ўғиллари ҳамда қиз фарзандлари ҳам бўлган кўринади. Гап шундаки, юқорида Баҳоуддиннинг икки бора аниқ кўрсатган ўғил фарзанди, борди-ю ёлғиз ўғил бўлган деб фараз қилинганда ҳам Ҳасан Ҳожа Нисорий номини келтирган Низомиддин Ҳожа Мир Муҳаммад Нақшбанд Баҳоуддин авлодидан деб кўрсатиши, ҳамда Али Сафий ўз «Рашаҳот» асарида Алоуддин Атторни «эъзозлаб, домодликка (яъни куёвликка) қабул қилдилар»⁴, деб кўрсатилиши, ҳеч бўлмаганда

¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Юқоридаги асар. – Б. 24.

² Ўша асар. – Б. 124.

³ Ўша асар. – Б. 186.

⁴ Қаранг: Маҳмудхон Маҳдум Ҳасанхон Маҳдум ўғли. Ҳожа Баҳоуддиннинг ҳаёт йўллари, Ҳазрат ҳақидаги рисолалар баёни. – Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Юқоридаги асар. Сўзбоши ўрнида. – Б. 6.

Баҳоуддиннинг бошқа қиз фарзандлари бўлиб, улардан унинг неваралари, эваралари бўлганлигини айтишга имкон беради.

Ҳасанхожа Нисорийнинг (1516-1597) "Музақкири аҳбоб" асарида Ҳазрати Баҳоуддиннинг наслларидан бўлган Низомиддинхожа Нақшбандий, Ҳасанхожа Нақшбандий ҳақида маълумотлар борлигини қайд этади¹. Жумладан, "...хожаи бузургвор (яъни Нақшбанд) набираси-олийжох, хидоятпаноҳ Низомиддинхожа Мир Муҳаммад Нақшбандий"², "Ҳасанхожа Нақшбандий қутбул-восилин хожа Баҳоуддин давлати ва улуғ авлодидан"³. "Саид Ходи Нақшбандий жаноб хожагий Маҳмудий Нақшбандийнинг ардоқли, саодатли ўғлидир. Насаби беш орқа айланиб ҳазрат хожаи бузургвор Баҳоуддинга-сири муқаддас бўлсин-бориб етади"⁴. Бу эса бизга Баҳоуддин Нақшбанд оиласи ва фарзандлари ҳақида фикр юритишга асос бўла олади.

Бундан ташқари Баҳоуддиннинг Қусам Шайх хизматида 3 ой (Боқир, Навоий) Ҳалил Ота хизматида 12 йил⁵ (Тўғон), Ориф Дегароний хизматида 7 йил (Боқир) бўлганлиги манбаларда қайд этилади. Муҳаммад Порсонинг "Қудсия" асарида қайд этилишича: "шоҳона пуштипаноҳи султон Ҳалил саройини тарк этгач, ҳазрат Баҳоуддин шогирди билан Бухорога келди ва Ривортун қишлоғида манзил тутди". Шу ерда ҳазрат Баҳоуддин шогирдлари даврасида дарвешона ҳаёт кечири бошлайди. Бизнингча, бу даврда ҳазрат Баҳоуддин 30 ёшларда бўлиб, қолган 40 йиллик умрини дарвешона ўтказади.

Умуман олганда, Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти тўғрисида маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Борлари ҳам етарлича ўрганилмаган. Айниқса Нақшбанд умрининг сўнгги даври тўғрисида деярли маълумот йўқ ҳисоби. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётда 73 йил умр кечириб, оламдан ўтганлар. Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Рисолаи Қодирия» сида қуйидагича аниқ қилиб кўрсатилган. «Ҳазрат Хожа Баҳоуддиннинг таваллудлари тарихда етти

¹ Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири Аҳбоб (Дўстлар ёдномаси). Тазкира. - Т.: 1993. - Б. 263; 229.

² Ўша асар. – Б. 19.

³ Ўша асар. – Б. 264.

⁴ Ўша асар. – Б. 229.

⁵ Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳот. (Оби ҳаёт томчилари) - Т.: 2003. – Б. 79.

юз ўн саккизинчи йилда. Вафотлари етти юз тўқсон биринчи йили жумадул-аввал ойининг учунчи куни эди. Ҳаётликларининг муддати етмиш уч йил дебдурлар..»¹. Алишер Навоий ҳам, "Алар (яъни Нақшбанд) етти юз тўқсон бирда рабъи ул аввал ойининг учиди, душанба куни оламдан ўтубдурлар"², деб кўрсатган. Бу мелодий 1389 йил март-апрел ойларига тўғри келади.

Ҳазратнинг хоки пойлари ўз она қишлоғига дафн этилгандир. Шайх дахмаси атрофида кейинчалик меъморий мажмуа юзага келган. Албатта, мажмуанинг асосини Шайхнинг мармардан квадрат шаклда ишланган дахмалари ташкил этади. Дахма тош деворига "Санги мурод" (Мурод тоши) ўрнатилган. Дахма атрофида бундан ташқари: муқаддас қудуқ, чорсу хонали зиёратгоҳ, айвон ва икки айвонли Абулфайзхон масжиди, чорсу ҳовуз ва табаррук сув сақланадиган сақоҳона ўрин олган. Ташқари ҳовлида маҳобатли хонақоҳ бўлиб, унинг асосини маркази квадрат жамоатхона (37,08 х 40,20 м) ташкил этади. Бундан ташқари баландлиги 12,2 метрли минора, кичик мадраса, улкан ҳовуз ва бошқа ҳозирги замон бинолари мавжуддир³. Баҳоуддин Балоғардон ҳаёти ва ижодий фаолиятида ўрганилиши лозим бўлган муаммолар анча. Бизнинг нуқтаи назаримизча, бу борада қуйидаги муаммолар мавжуд:

-биринчидан, Баҳоуддин Балоғардоннинг ҳаёт фаолиятини изчил ва мукамал ўрганиш керак. -иккинчидан, Баҳоуддин Балоғардоннинг илмий меросини чуқур ўрганиш лозим. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг ёзма мерос қолдирганлиги, мунозараларга сабаб бўлмоқда. Туркияда чиққан Шамсиддин Сомийнинг "Қомус-ул-аълам" асарида ёзилишича Нақшбанднинг "Ҳаётнома", номли ваъз ва панду насиҳатлари ва "Далил ул-ошиқин" номли тасаввуфга оид китоблари бўлган.

О. Акимов, А. Муҳаммадхўжаев каби тадқиқотчилар Нақшбанддан мерос қолмаганлигини айтсаларда, ҳазратдан ёзма мерос қолган экан. Ҳозиргача юқоридаги икки Нақшбанд асари топилмаган бўлсада,

¹ Муҳаммад Сидди Рушдий. /авсул-Аъзам. Рисолаи Қодирия (Авлиёлар султони).- Т.: Нур, 1992. – Б. 54.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20-жилдлик. 17-жилд.- Т.: Фан, 2001. – Б. 265.

³ Зоҳидов П. Хожа Баҳоуддин Нашбанд меъморий ҳазира. - Т.: 1993. – Б. 3.

нақшбандшунос олима Г. Наврӯзова 1995 йил инглиз тилида чиққан Шайх Муҳаммад Хишом Қаббонийнинг "Нақшбандия суфийлик йўли тарихи. Валийлар силсиласи бўйича маълумотлар" асарида келтирган Нақшбанднинг "Ал-Аврод ал Нақшбандия", "Хаддийат ас-соликин ва тухфат ат-толибин", "Танбеҳ ал-ғофилин" китоблари бор, деган хабарига таяниб, ҳазратнинг "Аврод" номли асарини Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербургдаги филиалида В 3829 ва А 1539 шифрлари остида сақланаётган¹ кўлёзма асарини топди. "Аврод" асари араб тилида ёзилган бўлиб, унинг биринчи нусхаси "Авроди Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд" деб номланиб, 14 варақдан иборат. Иккинчи нусхаси "Авроди Бахойиа" деб аталиб, 20 варақдан иборат². Ҳар икки нусханнинг мазмуни айнан ўхшаш ва муаллифи Шайх Муҳаммад Баҳоуддин эканлиги қайд этилган. Асар солиқларнинг узлуксиз бажариб юриши зарур бўлган вазифалари хусусида ёзилган. Агар ҳозирча Шамсиддин Сомий, Ғаспирали Исмоилбей таъкидларига, ҳамда Шайх Муҳаммад Хишом Қаббоний қайдига таянадиган бўлсак, Баҳоуддин Нақшбандга бешта қуйидаги: "Ҳаётнома" ёки "Арбоби урфон", "Далилул-ошиқин", "Ал-аврод ал Нақшбандия", "Хадийят ус-соликин ва тухфат ут-толибин", "Танбеҳ ал-ғофилин" асарлар нисбат берилмоқда.

Улардан олима Г. Наврӯзованинг тадқиқоти сабабли "Рисолаи Бахойия" ёки "Аврод" илмий жамоатчиликка маълум бўлди. Қолганлари ҳали илмий изланишларни кутмоқда. Нақшбанд мероси "Аврод" рисоласидан ташқари, у ҳазратнинг замондошлари, шогирдлари асарларида ҳам сақланиб қолган.

Умуман олганда, Нақшбанд ҳаёти ва ижоди бепоён, мураккаб муаммо. Бу вазифа ҳозирги ва келгуси тадқиқотчилар зиммасига тушади. Шарқшунос Пригарина ёзганидек: "Исломга сиғинадиган Шарқ халқларининг классик меросини ўрганишнинг долзарб масалалари ичида ҳали ҳам энг муҳими суфизм масаласи бўлиб қолмоқда"³.

¹ Наврӯзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд асари тўғрисида. Тўплам. - Т.: 1996. – Б. 142.

² Наврӯзова Г. «Аврод» - Баҳоуддин Нақшбанд аламига мансуб рисола. // Нашбандия. -1996. -№ 1-2. – Б. 4.

³ Суфизм в контексте мусульманской культуры. - М.: 1989. – С. 3.

2.2. Нақшбандия таълимотининг моҳияти ва ғоялари

Академик Иброҳим Мўминов ёзганларидек "Суфизм-мураккаб фалсафий оқимдир. У жуда хилма-хил шаклларга, мазмунга ва оқимларга эга"¹. Тасаввуф тарихий тараққиётида нақшбандия тариқати ҳам ана шундай мураккаб мазмун-моҳиятга эга бўлган тариқатлардан биридир. Тадқиқотлар зоҳидлик, орифлик, узлатга кетиш, факру-фанони дунё фаровонлиги ва тўқлигидан афзал билиш, дарвешлик, қаландарлик, камбағал-қашшоқликни бир эзгу неъмат деб санаш анъаналари айниқса Туркистонда ислом келмасдан олдин ҳам минг йиллар давомида яшаб келганки, бу айниқса буддавийлик дини ва диний-орифчилик маданияти Туркистонда гуллаб яшнаган. Эрамиздан аввалги II-эрамизнинг IV-VI асрларда жуда кучли туркий-буддавий цивилизация анъанаси сифатида ўзини намоён қилган эди» деган хулосани беради. Туркистонда то ислом давригача, илк ислом даврида ҳам "Ихван ас-сафо", (X-XI) футувват, ахийлик, жавонмардлик каби орифий-зоҳидлик ғоя ва ҳаракатлар мавжуд эдики, ўшалар асосида тасаввуф қарор топган эди. Г. Э. фон Грюнебаум ўзининг "Мумтоз Ислом"² асарида "...суфийлар ўз ғояларини футионлардан (яъни футувватлардан) қабул қилган» -деб ёзади. IX-XI асрлардаги дарвешлар жамоаси хунармандлар билан узвий алоқада бўлганлигини Е. Э. Бертельс таъкидлайди³.

Кайковус ҳам ўзининг "Қобуснома" асарида: "Жавонмардликка яқин бўлгил, токи жаҳон аҳлининг яхшиси бўлғайсан",- деб ўғли Гилоншоҳга насиҳат қилади. Ва давом этиб ёзади: "Агар жавонмардлик йўлида юрмоқ тиласанг, ҳамиша уч нарсани кўзда тутгил: кўзни ёмон назардан, қўлни ёмон ишдан ва тилни ёмон сўздин сақлашни. Уч нарсани дўст ва душманга очиқ тутгил: уй эшигини, суфра бошини, ҳамённинг боғичини"⁴.

¹ Мўминов И. Танланган асарлар. 1-том. - Т.: 1969. - Б. 34.

² Грюнебаум Г. Классический ислам. Очерки истории. (600-1258) - М.: 1986. - С. 183.

³ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965. - С. 21.

⁴ Кайковус. Қобуснома. - Т.: 1994. - Б. 162.

Бу жавонмардлик амал-фазилатлар суфийлар амаллари билан тўла мос келади. Бу тасаввуф Туркистонда XI асрдан кейин шаклланганлиги тўғрисидаги Ғарб шарқшунослигидаги мавжуд анъанавий талқинини инкор этади. XII асрга келиб, ислом таълимоти билан тасаввуф таълимоти бири билан яқинлашиб, уйғунлашиб кетди, бунда Абу Ҳомид Ғаззолий ва Ибн Арабийларнинг ислоҳчилик ҳаракатлари, ғоя ва таълимотлари ҳал қилувчи роль ўйнади. "Ибн Арабий испаниялик араб эди, лекин унинг мистик ва пантеистик таълимоти кўпроқ Эронга, форсларга ёки Марказий Осиёдаги эронлашган халқларга таъсир этиб, улар бутун XII ва XIII асрларда араб ҳудудларидаги тариқатларини ва диний-фалсафий фаолиятининг ривожланишида ҳақиқатда буюк рол ўйнадилар"¹.

Ғаззолий суфийлар ҳақида ёзади: "Менга мутлоқ шу нарса аён бўлдики, олий ибтидо Оллоҳ йўлидан айнан суфийлар бормокдаки, уларнинг ҳаёт тарзи энг ибратли ҳаёт тарзидир, уларнинг йўли энг яхши йўлдир ва уларнинг урф-одати энг соф урф-одатдир"². Бу талқин XII аср остонасида илгари сурилган бўлиб, худди ўша даврда Туркистонда Ҳамадоний тасаввуф мактаби замирида "яссавия" ва "нақшбандия" тариқатлари ўсиб чиқмокда эди. Дейиш мумкинки, шундан сўнг тасаввуф халқлар орасида оммавий тарзда ёйила бошлади. Бу жараён барча исломий ҳудудларда бўлганидек, Туркистон ҳудудида ҳам содир бўлди. Натижада X аср охирлари, XI аср бошларидан бошлаб, тасаввуфда дастлабки шаҳобчалар, яъни тариқатлар юзага кела бошлади. «Тариқат» тушунчаси араб тилида йўл, усул маъноларига, синоними эса «сулук», унга амал қилувчи эса «солик»дир³. «Тасаввуфий тариқат» номи соф техник атама сифатида XI аср охири – XII асрдан қўлланила бошлаган. Ҳар бир тариқат, йўналиш ўз асосчиси, моҳияти, қоидаси, издошлари ҳамда ўзининг "силсилаи насаб" ва "силсилаи заҳаб"ига эга бўлган.

¹ Грюнебаум Г. Классический ислам. Очерки истории. (600-1258) - М.: 1986. - С. 182.

² Газали. Избавляющий от заблуждения – С.Н.Григорян. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. - М.: 1960. - С. 246.

³ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965. - С. 36.

Нақшбандия тариқатининг асосчилари тўғрисида тўхталадиган бўлсак, унинг маънавий асосчиси Абдулхолиқ Гиждувонийдир. Хожаи Жаҳон ушбу тариқатдаги ўн бир муқаддас калималарнинг дастлабки саккизтасини асослаб бергандир:

1. Ҳуш дар дам (ҳар дамни ҳуш ўтказиш),
2. Назар бар қадам (ҳар бир қадамни назорат),
3. Сафар дар Ватан (Ватан бўйлаб саёҳат),
4. Хилват дар анжуман (эл -улус билан бирга бўлиш),
5. Ёдкард (эсга олиш ёки ёд этиш),
6. Бозгашт (қайтиш),
7. Нигоҳдошт (асраш ёки сақлаш),
8. Ёддошт. (Эслаш ёки хотира).

Кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд бу қоидаларга яна учта муқаддас қоидаларни қўшиб 11 тага етказди:

9. Вуқуфи замоний (замон амри),
10. Вуқуфи ададий. (тартиб амри),
11. Вуқуфи қалбий (қалб амри).

қоидаларини.

Хожагон Нақшбандия тариқатининг 7 пирлари орасида Гиждувоний ва Нақшбанднинг тариқат олдидадаги хизматлари беқиёсдир. Гиждувоний издошларининг деярли барчаси, Ҳожа Ориф Ревгарий, Ҳожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Ҳожа Али Ромитоний, Ҳожа Муҳаммад Бобоий Самосий, Сайид Мир Кулол ва Сайид Баҳоуддин Нақшбандлар кўпроқ амалиётчи бўлганлар. Улар маълум маънода Гиждувоний ғояларини халқ орасига олиб кирдилар. Нақшбанд ҳазратлари улардан фарқли ўлароқ, бу тариқатнинг назарий ғояларини ҳам ишлаб чиқди. Буни биз унинг уч муқаддас калимаи қудсияни асослаб берганлигида кўришимиз мумкин. У ҳазратнинг амалиётчилигини тариқатни ҳаётда у киши номлари билан боғлиқлик ҳолда кенг тадбиқ этганлигида кўриш мумкин. Ушбу тариқат кўпроқ уч ном билан: "Хожагон", "Нақшбандия", "Хожагон-нақшбандия" тариқати деб юритилмоқда.

Хожагон этимологиясининг келиб чиқиши тўғрисида шуни қайд этиш мумкинки, хўжалар дастлабки тўрт халифа (чорёрлар) - Абу Бакр, Умар, Усмон, Алидан (Алининг Фотимадан бошқа хотинларидан) тарқалган авлодлар дейилса, бошқа манбаларда арабларнинг истилочилик юришларда бошчилик қилган саркардаларнинг авлодлари деб ҳисобланади. Хўжалар исломда оқсуяклар табақаси сифатида саййидлардан кейин туриб, маълум имтиёзларга эга бўлган. Ўрта Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида хўжалар катта нуфузга эга бўлганлар, жуда катта ер ва мулкка эгалик қилганлар.

"Хожагон-нақшбандия" атамасининг иккинчи бўлаги «Нақшбандия» оммага Баҳоуддин Нақшбанд номи орқали кўпроқ маълум бўлганлигини англатади. Чунки ул зот барча ўтмишдошлари таълимотларини ўрганиб, такомиллаштириб, бу таълимотни кенг халқ оммаси орасида тарғиб ва ташвиқ этилишига сабаб бўлдилар. "Хожагон-нақшбандия" этимологияси ҳақида гапирганда, одатда бу иборани кўпроқ илмий доираларда қўлласада, ҳар икки атама ҳам ислом оламида бирдек маълум ва машҳурдир.

Нақшбандия тариқати соликлари, суфиёна кийиниб, фақирона овқатланишган, энг камсуқум ҳаёт кечиришган. Бунда айниқса Ғиждувоний ва Баҳоуддин беҳад юксак ва қатъий намуналар кўрсатганлар. Арпа унидан тайёрланган нон еб, ўзгаларга буғдой нон раво кўрганлар. Улар унчалик баланд бўлмаган оқ рангдаги, юрак белгиси ичида "Оллоҳ" калимаси ёзилган қалпоқ кийиб юрганлар.² Бу эса уларнинг бош шиори "Дил ба ёру даст ба кор" ни ўзида ифода этган. Нақшбандийлар ўз ҳимматларини мискинлардан ҳеч аямаганлар. Шунга нақшбандия таълимоти оммавий, халқчил, ибратли тариқат саналган.

"XV асрдан бошлаб, нақшбандия қодириядан кейинги энг кенг тарқалган диний уюшма эдики, у Миср ва Босниядан то Гоньсу ва

Суматрагача, Повольже ва Шимолий Кавказдан то Жанубий Ҳиндистон ва Ҳижозгача бўлган ҳудудга ёйилган эди"¹. (2-илова)

Нақшбандия тариқатининг асосий диний - фалсафий ғоялари қуйидаги уч манбага таянади:

-Тариқатнинг ўн бир муқаддас қоидаси-рашҳалага; Улардан тўрттаси (чаҳор калима); «Хуш дар дам», «Хилват дар анжуман», «Назар бар қадам»; «Сафар дар Ватан» машҳур калима, қоидадир.

-Тариқатнинг асосий шиори бўлган "Дил ба ёру даст ба кор";

-Нақшбандия тариқатида асосий ўринни эгаллаган «Зикри ҳафия» (яъни овоз чиқармай қилинадиган ички илтижо, тиловат, зикр - бунда Қуръони карим сура, оятлари, ҳадислар билан бир қаторда ҳаётбаҳшлик, юксак инсонпарварликни, ҳалолу-покликни тараннум этишга қаратилган Нақшбанд «вирдлари» – яъни илтижо, нидолари, ўғитлари, нурлари (баҳои)) ташкил этади.

Нақшбандиянинг назарий асоси ва амалиётида руҳий жиҳат шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдан иборат бўлиб, улар қуйидаги 7 та мақомлар тизимидан иборат²: тавба, вара, зухд, фақр, сабр, таваккул, ридо.

Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд мазкур мақомларни ижодий ва танқидий қайта ишлаб, жуда мураккаб ва юксак инсонпарвар, ҳаётбаҳш ғояларни сингдирганлар, тамомила оригинал, янги 11-қоидада лўнда ифодаланган таълимотни яратганлар.

1. "Хуш дар дам". Тасаввуф таълимотига кўра олам иккига: фоний ва боқий дунёга бўлинади. Бу олам фоний-ўткинчи дунёдир.

Инсон учун чекланган миқдордаги бу дунёнинг ҳар бир лаҳзаларини хуши ўзида ўтказмоғи керак бўлади.

2. "Назар бар қадам" қоидаси киши ҳаётидаги қўйиладиган ҳар бир қадам назорат остига олинмоқлигини таъкидлайди. «Назар бар қадам» инсоннинг ҳаёти, тақдири, аъмоллари қандай бўлиши учун жавобгарлик,

¹ Ислам. Энциклопедический словарь. - М.: 1991. - С. 169.

² Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965. - С. 36-37.

бутун масъулият инсон, шахс зиммасига Оллоҳ томонидан юклатилганлигини билдиради. Ана шу масъулиятни англаш, уни амалда қўллаш, унга интилиш ва риоя қилиш, бошқаларга бу борада ибрат кўрсатиш комил инсон ҳаётининг моҳиятини, мантиғини белгилайди. Нафс тўғрисида Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ёзадилар: "Нафси худро ба бадий шинохтан-худшинохтан аст" (Ўз нафсингни ёмонлигини таниш-ўзлигингни танишдир)¹. Бу қоида ўзликни танишга, идора этишга қаратилгандир. "Ўзини таниган киши ўз Роббини танийди" деган Ҳадиси шариф моҳияти бу қоидада бир қадар ифода этилган. Яъни солиқ ўзлигини англаб етгач, ўз ҳаётини ҳам идора қила олади. Бунда у ҳар бир қўйилган қадамини, ҳар бир сўзини ва феъли-хаёлини назорат қилиб турмоғи керак. Нақшбандийликда "Назар бар қадам" қоидаси олдинги ўринларга қўйилади. Ғаззолий ёзади: "Шайх-муриддини тарбиялашда, деҳқон ҳосилини етиштиришда уни бегона ўтлардан тозалагани каби, уни қусурлардан тозалаб боради"². Ҳар бир киши ўз-ўзининг тақомилини кузатиб бормоғи ва ўз қусурларини ўзи бартараф этмоғи лозим. Ўзига-ўзи виждон ва Ҳақ олдида баҳо бериб бормоғи талаб қилинади. Зеро инсон оламни Яратганнинг севган бандаси. У ўз ақли ва хулқи билангина инсон, ҳазрати инсон, ҳар бир инсоннинг ўз-ўзини назорат қила олиши эса уни комиллика, етукликка, қолаверса Ҳаққа етаклайди. Назар бар қадам қоидасини мазмуни шудир.

3. "Сафар дар ватан". Инсон борки у сайёҳ. Унинг ҳаёли сайёҳ. Жисми сайёҳ. Оламдаги ҳар бир нарса-ҳодиса ва мавжудотнинг макони, ватани бор. Инсонда ҳам Ватан мавжуд. У биосоциомавжудот сифатида белгиланган ҳудудда-маконда яшайди. Бу унинг моддий Ватани. Бошқа бир томондан у руҳий мавжудот. Унинг руҳи боқий дунёда, Оллоҳ наздида ватан топади. Исломда сафарнинг энг олийси бу Ҳақ йўлига сафар. Тирикликда эса кишини энг олий сафари ҳаж сафаридир. Тасаввуфда дарвеш-қаландарларнинг асосий хусусияти сафар қилиб, ҳаёт кечириш бўлган. Бу

¹ Комилов Н. Тасавуф ёки комил инсон ахлои. I-китоб. - Т.: 1996. – Б. 135.

² Абу Ҳамид Ғаззолий. Эй фарзанд. // Мовароуннаҳр мусулмонлари. -1993. -№ 1. – Б. 26-31.

тартиб нақшбандийликда ҳам ўз ифодасини топган. Сафарга чиқиш, Ватан сарҳадларига сафар, муқаддас кадамжоларга сафар, Ҳаж сафари каби сафару-саёҳатлар осонликча кечмайди. Сафар бу машаққат, машаққат эса суфийни сайқаллайди, унинг тақдирини белгилайди.

1. **"Хилват дар анжуман"** Хилват дар анжуманнинг оддий ифодаси жамоа ичида яккалик, ёлғизлик демакдир. Ҳазратдан «тариқатингизнинг асоси нимадан иборат?», деб сўраганларида, "Хилват дар анжуман ба зоҳир халқ ва бо ботин Ҳақ",-деб жавоб берганлар. Зоҳирда халқ билан ва ботинда Ҳақ билан жумласи хилват дар анжуманнинг мантикий шарҳидир. Н. Комилов талқинича, ушбу ўринда Нақшбанд ҳазратлари "халқ ва Ҳақ, хилват дар анжуман, зоҳир ва ботинни бир-бири билан келиштирган"лар¹, деб қайд этади. Ҳақиқатда бу талқинда асос бор, чунки олам, одам ҳаёти ва улар тараққиёти бир-бири билан уйғун боғлиқликда кечади. Ушбу қоидада суфий учун улуғ оламга (олами кабир) етишиш учун оддий кичик (олами сағир) одамлар билан бирга бўлиши лозимлигини қайд этилади. Ориф Усмон "Юқоридаги қоида Абдулҳолиқ Ғиждувоний томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Хожагон (Нақшбандия) сулукидаги машҳур "Дил ба ёру даст ба кор" шиорига айнан мос келади"², деб таъкидлайди.

Ёхуд Абдулҳолиқ Ғиждувоний ёзганларидек, "Сув ариққа дўстлар мадади билан келади"³.

Хилват дар анжуман нақшбандийликдаги умумий қоидалар таркибидаги дастлабки гуруҳни (олдинги тўрт қоида) якуний мазмунини ва умуман мақом-қоидалар моҳиятини ифода этади.

Юқоридаги нақшбандия қоидаларининг дастлабки тўрттаси тариқатнинг асосий қоидаси эканлигини Алишер Навоий қайд этиб ўтадилар:

"Бу тўрт иш била рубъу маскун аро,
Чалинмоқ не тонг хуш давлат санга.
Бу охан ила бўлғасен нақшбанд,

¹ Комилов Н. Тасавуф ёки комил инсон ахлои. I-китоб. - Т.: 1996. - Б. 101.

² Ориф Усмон. Хожа Абдулҳоли /ғиждувоний. // Мулоот. -1993. -№ 1. – Б. 33.

³ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир Ибн Муҳаммад Али. Юқоридаги асар. – Б. 94.

Навоий агар етса навбат санга"¹,

яъни бу ерда юқоридаги 4 рашҳаларга ишора қилинмоқда.

5. "Ёдкард" - бу қоида "Рашаҳот" да баён этилишича лисоний ёки қалбий зикрдир.

Ёдкард қоидасидан бошлаб қолган уч мақом аввалги мақом-қоидаларни мазмунан тўлдириб боради. Ёдкарднинг маъноси тариқатдаги суфийлар фоний дунёда ҳамиша Ҳақ ёди билан яшамоғи лозимлигини англатади. Доимо суфийнинг қалби, вужуди Ҳақ ёди билан бирга бўлиши керак, чунки суфий учун Оллоҳдан ўзга борлиқ йўқ. Ёдкард қалбий зикр, қалб тили деб айтилиши бежиз эмас. Чунки Оллоҳни қалбан ёд этиш, қалбни унга нисбатан мурожаати бу суфий учун энг аҳамиятлидир.

6. "Бозғашт" - бунинг маъноси инсон умри фонийлиги, ундан албатта боқий дунёга қайтажаклиги таъкидланади. Суфий ўз умрининг ўткинчилиги, ўлимнинг барҳақлигини, қиёматнинг ҳақлигини уққан бўлмоғи лозим. Яъни у бир кунмас-бир кун Яратган қошига боражагини, охиратни билган ҳолда яшамоғи керак. Шу билан бирга ёмон фикрлар, ишлардан қайтиш ҳам бу қоида замирига сингдирилган. "Бозғашт калимаси яхши ёки ёмон фикрларни одам тафаккуридан ҳайдовчи бўлиб, у зикрни холис қилади, зикрни ўзга нарсалардан озод этади"².

7. "Нигоҳдошт" - бунинг маъноси киши ўзини ҳар қандай шайтоний йўллардан пок сақлаши кераклигини уқтиради. Бу қоиданинг биринчи томони поклик бўлса, иккинчи томони нафсни сақлай билишдир. Бу икки жараён уйғунликда кечади. Поклик - бу ботиний ва зоҳирий бўлиб, яъни бунга кўра киши ўзини ҳар қандай ғайри йўллардан тортиб, ўз-ўзини моддий, маънавий ва руҳий идора қила билмоғи лозим.

8. "Ёддошт" - "Ҳақ субҳонаху ва таолони доимо завқу-шавқ билан ёдда (хотирада) тутиб, огоҳ бўлишдир. Баъзилар уни "ғойиб бўлмайдиган хузур"

¹ Ҳаққул И. Тасаввуф ва шерият. -Т.: 1991. - Б. 81.

² Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир Ибн Муҳаммад Али. Юқоридаги асар. – Б. 13.

деган ибора билан ҳам айтадилар"¹ деб қайд этилади Боқир мақомотида. Бунга кўра солиқ доимо Оллоҳни қувонч билан хотирламоғи лозимдир. Гойиб бўлмайдиган ҳузурлик Оллоҳни хотирлаш аввало ўзимизни виждон-имонимизга ҳавола. Иккинчи бир томондан, Оллоҳни хотирлаш - бу чексиз ва туганмас ҳузур, руҳий лаззатланишдир.

Маълумки, нақшбандия тариқатида Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари асос солган рашхалар алоҳида аҳамият касб этади. Улар учта бўлиб, тариқатнинг 9,10,11-рашхаларини ташкил этади:

1. **"Вуқуфи замоний"** - бунинг маъноси суфий ўз умридаги ҳар бир дақиқани, сонияни, вақтни Оллоҳга шукр айтиш билан ва унинг бандаларига фақат яхшилик қилмоқликка сарфлаши лозимликдан иборат. Ҳар бир замонда бандасини ҳоли ва ҳаёти қандай кечади, буни кузатиб бормоғи лозим бўлади.

2. **"Вуқуфи ададий"** - бунинг маъноси зикр жараёнида тартиб, сон алоҳида ўрин тутишлигини қайд этишдан иборат. Муқаддас дуоларни, калималарни қаерда, неча марта айтиш лозимлиги, қайси ҳолларда тоқ ва қайси ҳолларда жуфт маротаба зикр қилинишини билиш ва унга риоя қилиш кераклигини уқтиради. Суфий зикр пайтида сон қоидаларига амал қилмоғи шартдирки, бу эса зикр қувватини оширади.

3. **"Вуқуфи қалбий"** бунинг маъноси суфий зикри қалбан, яъни юракдан бўлмоғи даркор². "Зикр айтмоқлик пири комил томонидан мукаммал бўлиши керак. Шундагина у яхши натижа беради. Биз зикри хуфияни танлаганимиз сабаби бу зикр кучли ва афзалроқдир. Чунки зикри жаҳрияда зикр айтувчи ҳаракатда бўлади ва хушёрликдан четлашади. Агар дилда, яъни хуфия зикр айтса, шайтон васвасасидан огоҳ бўлиб туради"³.

Нақшбандия тариқатига биноан, юқоридаги ўн бир муқаддас қоидаларни мукаммал бажарган киши комил инсон даражасига эришади.

¹ Абул Мухсин Мухаммад Боқир Ибн Мухаммад Али. Юқоридаги асар. – Б. 13.

² Ўша асар. – Б. 84-86.

³ Бўриев О. Баҳоуддин Нашбанд ўғитлари.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 10.09.93. – Б. 1.

III-БОБ. ЯССАВИЯ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТЛАРИНИНГ УМУМИЙЛИК ВА ХУСУСИЙЛИК ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Яссавия ва нақшбандия тариқатларининг хусусийлик моҳияти

Яссавия тариқатининг йирик вакилларида Сулаймон Боқирғоний, Саид ота, Занги ота, Иброҳим ота кабиларнинг тасаввуфий фарлияти ва қарашлари ўрганилган. Айниқса, XV-XVI асрлардан бошлаб яссавий тариқатига эътиқод кучайиб, унинг назарий ва амалий томонларини ривожлантирган мутафаккирларнинг бутун бир гуруҳи етишиб чикди. Сўфи Оллоёр, Ҳусайн Хилватий Хоразмий, Хўжа Ахрор, Тахур Муҳаммад, Маҳдуми Аъзам, Лутфуллоҳ Чустий, Машраб, Бедил каби алломалардир. Яссавийлик таълимоти нафақат Туркистонда, шу билан бирга, Эрон, Шимолий Кавказ, Туркияда ҳам кенг тарқалди.

1.Юқорида кўрсатилган шариат билан тасаввуф қадриятлари қоришиб кетганлиги Яссавий таълимотида ўзига хос тус олиб, анвало, уларнинг муштарак гуманистик салоҳиятини намоён этишга, комил инсон, жамиятнинг маънавий ривожланиши, инсон ва жамият муносабати муаммоларини инсонпарварлик руҳида ҳал қилишга қаратилган эди.

2. Яссавийнинг буюк хизматларидан бири ахлоқий муаммоларини ҳал этиш, комил инсон, жумладан, тариқат солиқларига мос ва бошқа одамларга ибрат бўладиган гўзал маънавий-ахлоқий хислат ва сифатлари таърифлаш ва уларни ўтиладиган мақомларга қараб тарбиялаш билан боғлиқ.

3.Яссавий таълимотининг тарихий-фалсафий таҳлили шуни кўрсатадики, у умумбашарий ва миллий, диний ва дунёвий, ижтимоий ва шахсий инсоний қадриятлар уйғунлашувига асосланган бўлиб, унинг

ғояларн дунё миқёсида кенг тарқалди ва узоқ тарихий муддат давомида ўз аҳамиятини ошириб борди.

4. Улкан маънавий салоҳият, умумбашарий ва миллий кадриятларга бой бўлган Яссавий таълимотини чуқур ўрганиш, ундаги инсонпарвар ғоялардан унумли фойдаланиш Ўзбекистонда демократик ҳукукий давлат, фукаролик жамияти қурилишида муҳим ғоявий-амалий аҳамият касб этади.

Нақшбандия тариқатининг асосий қоида-мақомлари билан бирга "Дил ба ёру, даст ба кор" шиори ушбу тариқат таълимотининг мағзини ташкил этади:

- инсон Оллоҳ яратган мавжудодларнинг энг шарафлиси ва аълосидир. Унинг Зоти тажаллиси. Демак унинг борлиғи илоҳий борлиқ билан узвий бирликда бўлади, деган фикрни уқтиради. Бу борлиқ инсонда шукроналик туғдиради ва бу инсон қалби орқали намоён бўлади. Демак, инсоннинг Оллоҳ билан илоҳий-ирфоний муносабати унинг зотини фавқулодда шарафли қилиш билан бирга ўзининг ҳар бир нафасида у олим, нозир, кодир ирода-назаридан туришини ҳам чуқур англатади. "Албатта Оллоҳ дилларни эгаллаган (сирларни) билгувчидир"¹;

- Оллоҳ инсонга ақл, беш сезги, шуур, ирода берган, саъий-ҳаракат, бахт-саодатга элтувчи юрак бериб, унинг қалбида туриб, уни эзгуликка даъват этади. Яъни бунда дил Оллоҳ макони эканлиги таъкидланади;

- инсоннинг Оллоҳга, ҳаётга ва бошқа тирик жонзотларга, кишиларга бўлган мураккаб муносабатларнинг яна бир муҳим қиррасини - тил ва дил фарқлари ёки мутаносиблигини ҳам кашф қилади. Маълумки, тил дилдаги бор маънавий-вужудий талаб ва эҳтиёжларни тўла ифодалай олмайди. Бунга унинг ўзига хослиги халақит беради. Ана шундай тил-дил ғайримутаносиблигини инсоннинг ўз дили билан қиладиган мулоқоти - "Дил ба ёр.." илтижо-муножотлари, мулоқабда жуда самарали бартараф этилиши

¹ Қуръони карим. - Т.: 1991. 5-оят 7-сура. Бундан кейин Қуръон каримдан олинган ихтибослар авс ичида сура ва оятлар тартиб рақами билан берилмоқда.

мумкин. Дил билан қилинадиган муносабатлар жамики ҳаётӣ-илоҳӣ муносабатларнинг энг аҳамиятлисидир;

- инсон ҳаётнинг ўткинчи эканлигини бутун моҳияти билан англаб етиш, инсонни умидсизлик, узлатчиликка эмас, ҳаётнинг қадрига етиш, фаол инсонпарварлик, ҳаётбахшликка чақиради. Ҳаётдаги эзгу ишлар инсонга ҳайр бахш этиб, башарият хотирасида ўчмас ва шарафли ном қолдиришни, адолатсиз ишлар эса инсонни заҳматлар, ўнганмас ғам-ташвишлар қаърига отибгина қолмай, инсон вафотидан сўнг, "бирор савобли, яхши иш қилмаганлиги учун" маломатига учраши, тавқи-лаънатига дучор бўлишини уқтиради. Фоний ҳаётдаги барча амаллар Оллоҳ номи билан, унинг шарафига бағишлаб амалга оширилади. Ўша амалий жараёнда ҳам Оллоҳ киши қалбида бўлиб, руҳий мадад бўлади;

- инсон ўз ҳаётида юксак илоҳӣ нишон - қадриятга эга эканлиги, ана ўша нишон - қадрият юксаклигидан туриб, унинг меъёрлари асосида, ҳатто энг оғир мусибатлар чоғида ҳам ўзини йўқотмай, инсонлик шаънини юксак тутиб яшаши, хур-озод, ҳаётбахш ва гўзал инсон бўлиш зарурлигини англатади;

-инсоннинг ҳаётдан, ўзининг буюк зот - Инсон эканлигидан, Оллоҳ берган неъматлардан розилигини жуда чуқур ва лўнда ифода этади. Дил рози-худо рози чин розилик қалбан берилган айтилган розиликдир;

-бизга Оллоҳ ҳақу, адл-инсоф, эзгулик йўлига даъват қилишини, инсон ҳаётидан мурод адл-инсофни рўёбга чиқариш, саодатга эришиш эканлигини англатади. Нопоклик, хиёнат, икки юзламачилик, муртадлик, лоқайдлик ва беғамликдан ихота қилишни уқтиради. "...Оллоҳ ҳақ йўлга ҳидоят қилур". "Шак-шубҳасиз ҳидоят (яъни инсонларни тўғри йўлга йўллаш) ёлғиз бизнинг зиммамиздадир";

- киши қалбида Оллоҳнинг бўлиши, яратган ожиз бандасини ҳар қандай салбий ўй-хаёл, фикр, ҳатти-ҳаракатлар ва фаолиятдан қайтариб туришини таъкидлайди. "(Оллоҳ) кўзларнинг хиёнатини (яъни қараш ҳаром қилинган

нарсага ўғринча кўз ташлашни) ҳам, диллар яширадиган нарсаларни ҳам билур" (40:19);

- Оллоҳ ҳаётдаги ҳақиқатсевар, адолатли, эзгулик йўлида юрган ҳар бир бандасини ўз карами билан мукофотлашини ифодалайди. «Ҳидоят топган-тўғри йўлга юрган зотларга эса (Оллоҳ) яна ҳидоятни зиёда қилур ва тақво ато этур (яъни уларга ҳаромдан парҳез қилиш йўлларини кўрсатур)» (47-17);

- Яратган инсон қалбига нур, ёруғлик олиб киради, Оллоҳнинг қалбда бўлиши бу нурнинг қалбда бўлишидир. Оллоҳ нури инсон вужудини, қалбини, ҳаёт йўлини ёритишини, ҳамда инсоннинг биосоциал оламини ва инсоннинг барча инсонийлик кирраларига нур баҳшида этилишини аён қилади;

«Дил ба ёру, даст ба кор» шиорида асосий ғоя-инсон қалби мутассил Оллоҳ ёди билан, инсон қўли, амалиёти эса ижтимоий фойдали иш, меҳнат, касб-ҳунар билан банд бўлмоғи, инсонга баҳшида этилган умрининг бир дақиқаси бўлсин зое кетмаслиги зарурлигини таъкидлашдир. Бу ғоя билан боғлиқ равишда хожагон тариқати анъаналарига қаттиқ риоя қилган Баҳоуддин Нақшбанд «Зикри ҳафия»ни, яъни Оллоҳ Таолога қарата инсоннинг ички илтижо-мурожатига урғу берганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари дунёқарашини ифода этувчи яна бир муҳим омил, бу унинг сермаъно ирфоний ҳикматлари, ўғит, ибораларидир.

- "Агар дўст айбига боқсак дўстсиз қоламиз, ҳеч ким дунёда беайб эмас"¹. Бу моддий оламда хом сут эмган банда борки, у ҳаёти давомида каттами-кичикми айбларга йўл қўяди. Одамзотнинг ўткинчи умри кишига неъмат сифатида бир марта берилади. У ҳаётда тирикчилик қилиб яшаш ва ўзига ҳаммаслак топиши лозим бўлади. Киши ушбу жараёнда, айниқса маслакдош-дўст излаш чоғида ҳам, уни топган тақдирда ҳам, ундаги мавжуд нуқсонларга қарамасдан, уни бўрттирмасдан, таъна қилмасдан муносабатда бўлишига тўғри келади. Агар киши ўз ҳаётидаги дўстларидан айб

¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир Ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нашқбанд. - Т.: 1993. – Б. 94.

кидираверса, у ҳолда турмушида бедўст қолади, ки ёки халқ тили билан айтганда "Танлаб-танлаб тозисига учрабди"- каби чин дўст тополмайди. Демак, юқоридаги ўғитда бўлажак дўстимиздан, мавжуд дўстимиздан айб ахтараверсак, ҳаётда дўстсиз қолишимиз мумкинлигини таъкидланади. Зеро бу ҳаёт неъмат дўстлар, ҳамфикрлар билан бирга лаззатлироқ ва кадрлироқдир.

- "Сабр ва чидамда ноғора каби бўлмоқ лозимки, у қанчалик шапалок емасин, бироқ ўз одатига хилоф овоз чиқармайди"¹. Инсон ўз ҳаётида бўладиган қувонч ва ташвишларга сабрли бўлмоғи керак. Сабр қилишда кишини ноғорадек бўлиши, ҳар қандай оғир, ноқулай вақтда ҳам, мураккаб вазиятда ҳам чидам билан тоқат қилишга ундайди. Оллоҳнинг каломи бўлмиш Қуръони каримда сабр тушунчасига 70 бора қайта-қайта мурожаат қилиниши бежиз эмас. Унинг "Бақара" сурасида "чин иймонли киши" сифатлари саналиб, унинг интиҳоси сифатида сабр-тоқатлилик фазилати зикр қилинади: "...хусусан оғир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир" деган жумла тарзида баён этилади. Ҳусайн Воиз Кошифий "Сабр-бағоят ҳўбу марғуб сифатдур",- деб таъкидлайдилар. Демак, сабр ҳам комил инсонда бўлиши лозим бўлган энг зарур сифат-фазилатлардан бири экани юқоридаги пандда ўз аксини топган. Тасаввуфда сабр алоҳида мақом даражасига кўтарилган. Унга мушарраф бўлиш ҳаётда осон кечмайди. Сабр кишида мустаҳкам ирода, чидам ва тоқат бўлишини талаб этади. Ушбу ўринда Нақшбанд ҳазратлари ажойиб ўхшатиш қиладилар.

- "Муршид толибнинг ўтган, ҳозирги ва келажак каби уч ҳолидан бохабар бўлиши керак, шундагина уни тарбия қила олади"². Бу ўғит таълим-тарбиявий аҳамият касб этиб, муршид (устоз, тарбиячи) бўлғуси талаба-шогирднинг ўз замонини ўтмишини, ҳозирини ва келажagini ҳам яхши билмоқлиги тўғри келади. Яъни шогирд то шу кунгача қандай бўлган,

¹ Абул Мухсин Мухаммад Боқир Ибн Мухаммад Али. Маомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. - Т.: 1993. –Б. 97.

². Ўша асар. – Б. 79.

ҳозир қай даражада ва келажакда у қай мартабага эриша олади. Ўша жиҳатларни била оладиган муршид чин маънодаги устоздир. Бундай фазилатга эга бўлган устоз замонавий ибора билан айтганда, замон талабларига жавоб бера оладиган, замон билан ҳамнафас устоздир. Айни чоғда ушбу ўғит, ҳозирги замон маорифчиларимиз учун ҳам дастури амал вазифасини ўташи мумкин.

- "Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғида бўл"¹. Бу ўғитда ифода этилган мазмун-маънони ҳазратнинг етук издошларидан бири бўлмиш мавлоно Абдурахмон Жомий қуйидагича назмий баён қиладилар:

Шамдек бўл, шамни кўр, куйиб қалбу тан,
Ўзгалар базмини қилади равшан².

Бу ерда "шамга ўхшаш" лик, яъни ёниш - ўз Ватани, халқи, миллати учун ўзни қурбон қилиш. Қолаверса, ўзни фидо қила туриб Ватан, ватандошлар учун нур, зиё, ёруғлик сочиш. "...токи ҳаммага равшанлик бағишла" эса - ҳаммага баб-баравар эзгулик қилиш. Шамнинг ёнишини кузатайлик, унда такаббурлик, адолатсизлик, оғмачилик мутлақо йўқ. Ҳаммага бирдай, ҳаммага тенг нур улашади. Шу билан бирга у кишининг тунини, зулматини нурафшон этади. Эзгуликнинг иккинчи бир қирраси бу киши қалбини равшанлаштириш, илиқлик киритишдир. "...қоронғуда бўлиш" лик ўзни шам каби ўзни фидо қила туриб, ушбу фидоликни таъна қилмасликдир. Президентимиз Ислом Каримов Баҳоуддин Нақшбанд маънавий кадриятларидан илҳомланиб, бизни «Шу азиз Ватан барчамизники», «Элим деб юртим деб ёниб яшаш керак» деган шиорни ўртага ташлайди.

Нақшбандиёна ўн бир қоида, бош шиорнинг турли истилоҳлари, турли нақшбандиёна панду-ўғитлар тўғрисида билдирилган турли фикр-ҳукмлар бизга Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тариқати дунёқараши, фалсафаси,

¹ Абул Мухсин Мухаммад Боқир Ибн Мухаммад Али. Маомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. - Т.: 1993. - Б. 95.

² Шомухаммедов Ш. Абдурахмон Жомий. -Т.: 1948. - Б. 43.

ҳамда маънавияти тўғрисида етарли даражада маълумот олиш имконини беради.

Яссавийлик-тасаввуфдаги тариқатлардан бири. 12-асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган. Яссавия таълимотига кўра, комил муршид (шайх)нинг зиммасидаги биринчи вазифа олий инсоний сифатларни ўзида мужассам этиш, шариат илмини мукаммал эгаллаб, сўнг муридларни ортидан эргаштиришга эришишдир. Яссавийликка кўра, мурид куйидаги талабларга риоя қилиши зарур:

- бирор кишини ўз муршидидан устун қўймаслиги ва унга мутлақ эҳтиром билан боғланиши;
- зикр ва идрок соҳиби бўлиши, устозининг рамзи ва ишоратларини, осон илғаши;
- сўзда тўғри, ваъдага вафодор бўлиши;
- устозининг амр, таклиф, ваъз ва насихатларини назардан соқит этмай камолга интилиши.

Ҳазинийнинг «Жавоҳир ул-аброр» асарида яссавиянинг асослари куйидагича қайд қилинган:

- тавҳидга асосланган тасаввуфий тушун-чалар;
- шариат ва пайғамбарнинг суннатига мутлақ боғлиқлик;
- шариатга таянган тариқат; риёзат ва мушоҳада;
- хилват ва зикр.

Яссавияда илм-маърифат эгаллаш, ҳиммат ва саховат туйғуларини камол топтириш, нафсга қарши курашда собит бўлиш, ҳалол меҳнат билан ризқ топишга алоҳида аҳамият берилган. Яссавия зикри жаҳрийга асосланилган. Тасаввуф таълимотига кўра, инсоннинг асл ватани мутлақ борлиқ. Инсон шу борликда пайдо бўлган, ўша муқаддас борликқа қайтмоғи муқаррар. Шу боис ҳақиқий суфий ватан ва ватанпарварлик борасида тор тушунчага берилмаслиги керак. Яссавия кўплаб олим, шоир ва давлат арбоблари қалбини забт айлаган. У фақат Мовароуннаҳрда эмас, балки Хуросон, Озарбайжон, Туркияда ҳам кенг тарқалган.

3.2. Яссавия ва нақшбандия тариқатларининг умумийлик ғоялари

Тасаввуфнинг бош ғояси суфийнинг Ҳаққа восил бўлиш йўллари кўрсатишдан, тарғиб этишдан иборатдир. Бу жараён тўрт босқичдан иборат ҳолда кечади:

1. Шариат-ислом маросимларини, шариатнинг амалий талаблари, қонун-қоидаларини билиш ва уларга риоя этиш.

2. Тариқат-суфий томонидан «восил бўлиш» учун танланган йўл. Бунда суфий нафсидан воз кечиб, бирор пир йўлини танлайди ва унинг амалларини унга эргашган ҳолда бажариб боради.

3. Маърифат - суфий томонидан Оллоҳни таниш ва уни қалбан билишдир. Шу билан бирга Оллоҳни бутун мавжудотнинг, борлиқнинг асосчиси, яратувчиси эканлигини билишдир.

4. Ҳақиқат (фано босқичи ҳам дейилади¹) - бу босқичда суфий худо васлига етади. Бу даражага етган суфий авлиёлик, «анал-ҳақлик» даражасига эришган бўлади. Тасаввуф тарихий тараққиётида Боязид Бистомий (вафоти 875 йил) «Менга шараф», «Мен қанчалик буюкман», Мансур Ҳаллож (857-922) «Мен ҳақман» (Анал-ҳақ) дея ўзларини фано босқичига етганликларини қайд этганлар². Бундан ташқари Фаридиддин Аттор, Насимий, Бобораҳим Машраблар ҳам бу даражага эришганлар.

Тасаввуф тарихида XII асрга келиб шундай бир жараён юзага келдики, бу пайтда тасаввуф таркибидан алоҳида оқимлар ажралиб чиқа бошлади. Бундай тариқатлар сони шарқшунос И. Петрушевскийнинг қайдича, бир неча ўнлаб тариқатдан иборат бўлиб, XIV асрда улардан 12-14 таси оммавий тариқатлар эди³.

Худди шу оммавий тариқатларнинг шаклланиши ва ривожини кўрамиз.

¹ Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. - Т.: 1970.

² Суфизм в контексте мусульманской культуры. - М.: 1989. -С. 223.

³ Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV вв. - Лен.-д.: ЛГУ, 1966.

Ислом турк дунёсида кенг тарқалган икки сулук¹ - яссавия ва нақшбандиянинг келиб чиқиши ва ўзаро муносабати масаласида яна турли хил ёндошишлар бўй кўрсата бошлади. Бир қарашда бу табиий ҳол. Илм ҳеч қачон бир фикр ҳукмрон бўлган нуктада ривожлана олмайди. Аммо ўртага ташланаётган фикрлар ҳамон ўша «ғалати машҳур»ларга асосланиши, ўшандан озиқланиши бу муаммони янада чалкаштириб юборишдан бошқа нарсасига хизмат қилмайди. Яқиндагина бутун дунё билан бирга ҳазрати Аҳмад Яссавий таваллудининг 950 йиллигини эътироф этиб ўтказдиккина эмас, ҳатто унда маърузалар, тантаналар ҳам қилишимизга қарамай, Фахриддин Али Сафийнинг «Рашахоту ай-нул-ҳаёт» асаридаги хабардан бошланган мужмалик асосида Юсуф Ҳамадонийни (1048—1140) Аҳмад Яссавий пири дейишни (Алишер Навоийда «Имом Юсуф Ҳамадонийнинг асҳобидиндир» деб аниқ берилишига ҳам қарамасдан) давом эттирмаймиз. Аҳмад Яссавийнинг вафотлари 1166 йилда эканлиги аниқ, 63 ёшида ер остида хилват қилганлари шубҳасиз бўлгани ҳолда 1157—58 йилдан 1160 йилгача Бухорода «хиловатлик»да демокдамиз. Бир пайтнинг ўзида Яссиди хилватни-ю, Бухорода халифаликни қандай уйғунлаштириш мумкинлиги ҳақида бош қотирмаяпмиз. Яссавийшуносликда шундай ва бундан бошқа кўплаб муаммолар борлиги ҳолда «...яссавия ва нақшбандия турли замин ва турли вазиятларда юзага келган ўзига хос тасаввуф тариқатлари...» деган замини бўш фикрларни ахборот учун қабул қилиш мумкиндиру, ақлда ҳазм қилиб бўлмайдиган яссавиянинг ҳам, нақшбандиянинг ҳам (агар улар бир-бирига мутлақо алоқасиз тариқатлар бўлган тақдирда ҳам) пойдевори - замини Қуръондир. Ҳар иккала тариқатнинг ҳам пайдо бўлган ери ўша чоғда ҳам Туркистон эти, ҳозир ҳам Туркистондир. Бу тўғрида баҳс юритиш ҳам мумкин. Турли вазият масаласига келсак, тасаввуф мазкур олимларимиз ўйлаганича, доим вазиятга қараб ўзгариб турувчи ижтимоий-фалсафий оқим эмас. Сўфийлик инсон кўнгил камолотини ва шу йўлда Ҳаққа етишишни

¹ Бахтиёр Исабек. Яссавия ва нақшбандия // Мулоқот.- 1997. -№ 3. -Б. 37-40.

мақсад қилиб олар экан, турли вазиятда турли оқимлар вужудга кела олмайди. Зотан сўфийлик тарихий, ижтимоий муносабатлар вазиятидан келиб чиқиб эмас, балки кишилар руҳий ҳолати, илмий савияси, дунёқараши билан боғлиқ ҳолда такомиллашиб боради. Сўфийлик ижтимоий-иқтисодий заминда эмас, руҳий-ижтимоий заминда вужудга келиб, руҳ эҳтиёжига жавоб тариқасидаги таълимот сифатида намоён бўлади. Ҳозиргача суфийликдан ижтимоий-иқтисодий сабаблар изланиши ва унинг топилмаслигининг сири ҳам шундадир. Зотан суфийлик бир ижтимоий-иқтисодий босқичда ҳосил бўладиган ҳодиса эмас.

Шунинг учун ҳам сўфийликнинг унсурлари фақат ислом дини тарқалган ўлкалардагина эмас, будда, конфуцийлик, христианлик, иудаизм, зардуштийлик, шаманизм каби динлар ҳукмронлик қилган халқлар ўтмишида ва ҳозирда ҳам мавжуддир. Шунинг учун ҳам унинг илдизларини ҳамон аниқ, узил-кесил муайян халқ, давр, макон билан боғлашнинг имкони бўлмаяпти. Холис айтганда, суфийлик оқим сифатида ривожланиши учун ислом дини таълимотларида жуда зарур озуқа топганлиги учун ҳам бу асосда кенг ва атрофлича улғая олди.

Мана шундай умуминсоний руҳ эҳтиёжини қондирувчи ислом - суфийлик оқимларининг энг кенг тарқалганларидан, 1000 йил давомида дўст-душманлар тазйиқи, сиқуви, танқиди узра яшаб келаётган, бир неча аср давомида такомиллашиб, турли бошловчилар номи билан аталиб келинаётган оқим - яссавия тариқатидир. Бу оқим пайдо бўлганидан бошлаб ҳанузгача, шу кунимизгача унинг ошкора ва пинҳона мухолифлари “Яссавия дастлаб бепоён даштлар қўйнидаги турк қавмлари учун мўлжалланган” (Ф.Купрулузода) деган бўлса, “нақшбандийлик маданийлашган муҳитнинг манфаатларига мос келади” деб уни яссавиянинг ўзига хослигини кўрсатмоқчи бўладилар. Аввало “бепоён даштлардаги турк қавмлари” билан “маданийлашган муҳит”нинг зидлантирилиши нотўғридир. Ҳозирги кунда Оврупо ва Америкадаги ўрта маълумотли инсон, кўчманчи - маданиятсиз, ўтроқ - маданиятли, деб баҳо бериш каби маданиятсизлик устидан кулади.

Зотан кўчманчилик - ўзига хос маданият, ўтроқлик - ўзига хос маданият. Бу ижтимоий турмуш тарзи бир-бирига зидланувчи эмас, бир-бирини тўлдирувчи ҳодисалардир.

Яссавия бошқа асрда ҳаёт кечирувчилар билан кўчманчиларга ҳам мўлжалланган. Яссавияда бирон-бир йўл йўқки, уни кўчманчи турк бажара олсину, ўтроқ тожик эплай олмасин! Суфийлик асос эътибори билан кўнгилга қаратилган экан, демак кўнгилли ҳар бир инсон учун бегона бўла олмайди.

Энди яссавияда йуқ деб иддао қилинаётган ва нақшбандийликнинг “асоси” ёки унинг “мустақил” тариқат эканлигининг нсботи сифатида илгари сурилаётган вуқуфи замоний, вуқуфи ададий, вуқуфи калбий ибораларига эътибор берайлик. Нақшбандиянинг “истиклоли” тарафдорлари буларни Баҳоуддин Нақшбанд томонидан қушиган “учта қудсий ибора” деб номлайдилар.

“Баҳоуддин Балогардон” китобида ёзилишиш, “вуқуфи замоний бу йўлда юрувчи учун шундай нарсак, толиб доимо ўз ахволидан хабардор бўлиши, ҳар бир замонда ўзининг ҳоли ва сифати қандай - шукр пайтими, узр пайтими - буни билиши керак”. Ҳазрат Яссавийнинг қуйидаги ҳикмаларига диққат қилинг¹:

Ўзунг билмиш илминг бирла амал қилғил,

Сен билмасда сендii хато кечти бўлғай.

Тилда айгил ло илоҳа иллоллоҳни

Ичга солғил, ҳар нафасда бўлғил огоҳ.

“Ичга солғил, ҳар нафасда бўлғил огоҳ”ни шеърий вазнга солинганлиги унинг нуқсони ҳисобланмаса, “вуқуфи замоний”ни бундан ортиқ ифода этиб бўлмас керак!

“Вуқуфи ададий” илми ладунийнинг бошланғич поғонасидир” деб ёзилади юқоридаги асарда. Вуқуфи ададий - тоқ айтиш демакдир. Агар хуфия

¹ Бахтиёр Исабек. Яссавия ва нақшбандия // Мулоқот.- 1997. -№ 3. -Б. 37-40.

ибодат қилиш, зикр айтиш вуқуфи ададийга киритилмаса, юқоридаги кудсияни нақшбанлиянинг алоҳида бир узига хос куд-сийлари кагорида саналиши ўринли эмас. Хуфия ва ошкора зикр ҳақида алоҳида тўхтатмаслик учун, шу ўринда айтиб ўтмоқчимизки, хуфия зикр яссавияга ёт эмас, яъни зикри алония билан зикри хуфия яссавияда бнр-бирига зид қўйилмайди. Чунки Яссавия сўфийлик таълимоти тариқи сифатида бошқа сўфийлик тариқларидан ажралиб туралиган томони унинг “боблик” - миссионерлик хусусиятига ҳам эгалигидидир. Ислom дини доирасида барча суфийлик тариқатлари ислom динини қабул қилган кишилар дили тарбиясига йўналтирилган бўлса, яссавийлик бир пайтнинг ўзида ислom динидагилардан ташқари ғайри диндагиларга ислom асосларини аниқлаб, суфийлик йўлига бошлашни ҳам ният қилиб олади. Шунинг учун ҳам Қули Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида сўфийлик оқимининг турли кўринишлари билан муштарак томонларни кўплаб учратамиз. Ана шунинг учун ҳам Аҳмад Яссавийдаги сўфийлик зоҳиран кучсиздай, мутаассиблик ёки шариатнинг оддийгина ташвиқидай бўлиб кўринади. Аслида Яссавий ҳикматларига тафаккур билан қаралса, унинг кўпқатламларини маъноларида фикр иқтидори даражасида ислom ва суфийлик мазмунлари қатламларини илғаш, идрок қилиш мумкин. “Вуқуфи қалбий” нақшбандийликка хос янгилигу, яссавияда йуқ деювчилар, қуйидаги ҳикматларнинг қайси маъно қатламини қабул қилган эканлар?¹

Кўнгул ичра сен бек тутқил имонни

ёки

Жондин кечиб Ҳақ зикрини жонға қўштум.

ёки

Жону дилим Ҳақ зикрига муштоқ қилсам

Зикрин айтиб мурдор жисмим офоқ қилсам.

ёки

¹ Бахтиёр Исабек. Яссавия ва нақшбандия // Мулоқот.- 1997. -№ 3. -Б. 37-40.

Менинг ҳикматларим дардликка дору

Чиқарса кўксидин ҳар лаҳза ё Ҳу.

Ниҳоят

Қул Ҳожа Аҳмад тоат қилсанг пинҳон қилғил,

Лаб номаҳрам. дам номаҳрам, ўзунг билғил.

Балки дилинг номаҳрамдур, ҳазир бўлғил.

Сўнгги иккиликда “вуқуфи қалбий”, “вуқуфи замоний” ҳамда “вуқуфи ададий” нақшбаидиядан келтирилган ривоятлардагига нисбатан ҳам кучлироқ намоён бўлган. Бунда “хуфия зикр”нинг энг юқори чўққисини кўрса бўлади. Лаб кимирлаши, ҳатто нафас олишгина эмас, инсон кўнгли ҳам гоҳо зикрдан огоҳ бўлмаслиги ҳақида гап кетаяпти. Бунинг мазмуни сирини ҳам Яссавий ҳазратлари ҳикматидан топмоқ мумкин. Зикр ҳам бир манбадан ва бир манбага қаратилади. Мана ўша манба:

Ишқинг сени жону дилни аросинда

Дард ғамига юрак бағрим порасинда.

Демак, зикр дилда айтилганда ҳам огоҳ бўлишнинг асоси бор экан. Ибодат, зикр қаратилган манба инсон дилида дейиш ҳам унча тўғри эмас, шекилли. Яссавияда ҳақиқий соф ишқ Ҳаққа қаратилгани назарда тутилса, инсон кўнгли Ҳақ намоён бўладиган нуқта деб қараш ҳам муаммога чек қуя олмаслигини кўрсатади. Жон билан кўнгил ораси! Кўнгил ва жон вужуднинг қайси қисмидалигини аниқлаб бўлмаслигини тасаввур этсак, ишқ қаратилган Ҳақ худди катта оламдаги каби “кичик олам”да ҳам “қайда десанг андадир” қабилида деган фикрни туғдиради. Менимча, хуфия зикрни бу даражада Яссавийдан бошқа ҳеч ким ифода эта олмаган бўлса керак. Айни пайтда “ҳозир бўлғил”, яъни доимий огоҳлик - зикр вақтида дилга кўнгилга дунёвийгина эмас, ҳатто бошқа руҳий нарсаларни ҳам аралаштириб юбормасликни талаб қилмаяптими! Яратганни - Оллоҳни зикр қилганда, овоз чиқаришгина эмас, ҳатто дилдаги бошқа дуоларни ҳам йўлатмасликни талаб қилмаяптими! Айни пайтда ўз ҳолидан огоҳ бўлиб туришни ўргатмаяптими?

Яссавий ҳикматлари устида изланишни сусайтириб қўйганимиз ёки Яссавия суфийлигининг “мана ман” деб юзага чиқиб турмаганлиги учун кўриб-кўрмаганлигимиз оқибатида унинг суфийлик томонига бир кадар беписандлик муносабатимиз сезилиб қолмоқда. Қуръонни ҳам юзаки тушунувчилар ортодокс - мутаассибликдан нари ўтолмай, ислом дини ривожини учун эмас, балки уни бидъатлаштиришга хизмат қилиб келганлигини кўриб билиб туриб, “Ҳикмат”га ҳам худди шунга ўхшаш муносабатда бўлаётганларни кўриб ёқа ушлайди, киши. Ахир бизга бир неча асрлардан бери маълум “Ҳикмат”да зикрнинг икки тури - ҳуфия (якка ҳолда) ва ошкора (жамоа билан) хиллари борлиги очиқ-ойдин кўриниб туради-ку! Бу зикр турлари намозни ёлғиз (унда, ичда ўқилади) ва жамоат (бунда имом овоз чиқаради) ўқиш турлари билан мос келиши алоҳида бир тадқиқот талаб қилмаса керак. “Алония”, “арра”, “жаҳр” - жамоавий зикр, у “биз”га қаратилган.

Ҳуфия зикр “мен”га қаратилган. Мусулмонлар фақат “мен” ва “биз”дан иборат. Мусулмонлар, чин мусулмонлар орасида бегона йўқ. Ҳаммамиз бир-биримиз билан чамбарчас боғлиқмиз:

Сайро сано, эй булбул, очилибдур қизил гул.

Ҳар гулни холи кўрма гулни гулзор ичинда.

Зикр ва ибодат ичдан бўлиши ҳамда жамоа ичида ҳам Оллоҳ ёдини, зикрини қўнгилда сақлаш усулини нақшбандиягагина боғлаб, уни яссавияга қарши қўйиш ҳам асли нотўғридир. Чунки Аҳмад Яссавийнинг қуйидаги ҳикматларида, жамоат орасида “хилват қилиш” жуда яққол намоён бўлади:

Йўлин тобқон мардонларга хизмат қилур,

Кўб анжуман орасинда хилват қилур,

Аҳлу аёл, молу мулкдин узлат қилур.

Ушбу ҳикматдан кўриниб турибдики, “кўп анжуман орасида хилват қилиш” ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Ҳар бир хоҳловчи ёки талабгор жамоат орасида Ҳақ ёдини зикр қилиб, уни атрофидагиларга сездирмаслиги

мумкин эмас. Бунинг уддасидан тариқатда ўз йўлини топганларгина чиқа олиши мумкин.

Аслида яссавия ва нақшбандия бир-биридан узоқ тариқатлар эмас, балки бири биридан ўсиб чиқувчи, бир-бирини ўзаро тўлдирувчи, ислом оламидаги барча диёрлар, мамлакатларнинг халқларини маънавий камолот йўлига бошловчи, ижтимоий иллатларга аёвсиз ўт очувчи, инсонпарварлик. ҳақпарварлик таълимотларидир. Уларнинг биридан бирини ортиқ кўриш ва энг ёмони - бир-бирига зид қўйишга уриниш беҳуда ишдир. Нақшбандия сулукидаги барча маънавий қадриятлар яссавияда жуда теран ва кенг кўламда ёритиб берилган.¹

Энди эса Баҳоуддин Нақшбанд, унинг тариқати тизимига кирган унсурларни кўрсатиб ўтамиз.

1. Баҳоуддиннинг ўзидан бошлаб энг кичик, тариқатга энди кириб келган солиқгача риоя қиладиган бош ва асосий талаб, ҳар қандай бошқа одамларга ўхшаб, улардан ўзини ажратмасдан, ҳалол меҳнат билан, бирон касб-ҳунарни яхши эгаллаб, ўшанинг ҳисобига кун кечириш, сўфийлик дарвешликни тирикчилик манбаи қилиб олмасликдир.

Баҳоуддин Нақшбанд оиласи, унинг ўзи кимхоб тўқиш, унга нақш-гул солиш касби билан тирикчилик ўтказган. Бу ҳақда унинг ўзи -"Мен ва отам кимхоббофлик касби билан машғул эдик ва ёшлар расмига мувофиқ алоҳида хонамиз бор эди"²-дейди.

Алоуддин Аттор Баҳоуддин тариқат амалиётининг асосий таркибий қисми дехқончилик қилиб тирикчилик қилиш бўлганлигини таъкидлаган эди. "Ҳожамизнинг таомлари зироатдан ҳосил бўларди. Ҳар йили бироз арпа ва мош экардилар. Ва ишлов берардилар. Хўкизларини эҳтиёт қилардилар"³. Шунингдек Боқир кўрсатишича полиз экинчилиги билан ҳам шуғулланганлар.

¹ Бахтиёр Исабек. Яссавия ва нақшбандия // Мулоқот.- 1997. -№ 3. -Б. 37-40.

² Абул Мухсин Мухаммад Боқир Ибн Мухаммад Али. Маомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. - Т.: 1993. – Б. 25.

³ Ўша асар. – Б. 55.

Бухоронинг "Қасри Орифон"ида Баҳоуддинларнинг ҳовлиси, уй-жойи, "Боғи Мозор"ида эса кичик бир хужраси, масжиди бўлган. "...Хожамизнинг уйларида мол-мулк йўқ эди. Ғариблардек яшардилар. Масжидларида қишда хашак бўларди, ёзда эса эски бўйра. Синган кўзалари бор эди. У зотда хизматкор зоти бўлмаган. "Нега хизматкор ёлламайсиз?" деб сўраганларида "Қуллик хўжайинлик билан мос келмайди!" деб жавоб бердилар"¹.

Муҳаммад Боқир бошқа жойда ёзган эди «Кучли риёзатга эга бўлишларига қарамай, ҳалол ризқ талабида бошқаларнинг замбилини кўтарар эканлар. Баъзи вақт замбил ўз-ўзидан юриб кетар, бироқ улар бунга асло илтифот қилмас эканлар»².

Демак, Баҳоуддиннинг ўзи кимхоббофлик, зироат, полиз экинчилиги, мардикорчилик (Работи малик қурилишида) ва ҳақозо ишлардан ор қилмай шуғулланиши ва тирикчилигини тебратиши, унинг муридларига ҳам хос бўлиб, бири тариқ эккан, бошқаси пахта, учинчиси полиз эккан, тўртинчиси эса ҳаммоллик қилган ва х.к. яъни ҳалол меҳнат, касб-ҳунар билан ҳаёт кечириш талабини Бухоуддин энг аввало ўзига қўйган, сўнгра бошқаларга, ўз муридларидан ҳам талаб қилган.

2. Фақат соликнинг ўз кундалик турмушида қатъий риоя қилиши талаб этиладиган махсус талаблар ёки режим ишлаб чиқилган талаб, қонданинг ўзи йўқ. 11 рашҳа шундай хусусиятга эгаки уларни суфий, солик ҳам, исталган мусулмон, ҳатто шиалар ҳам, ёки тасаввуфга алоқаси бўлмаган одам ҳам билиши, риоя қилиши кўзда тутилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Алоуддин Аттор нақлига кўра "Хожамизнинг тариқатлари фақир, тарки дунё, ҳалойикдан кечиш, тўлиқ ёлғизлик, мосивонинг инкоридан иборат эди. Уларнинг муқаддас сўзлари фақирнинг исботи ва фуқаронинг муҳаббати ҳақида эди. Уларнинг эҳсонлари олий даражада эди. Азиз суҳбатларининг таъсири барчага маълум ва ҳаммада ошкор эди ...Ҳалолга интилиш ва шубҳали нарсалардан қочишни, айниқса, ҳалол луқмани таъкидлаб

¹Абул Мухсин Муҳаммад Боқир Ибн Муҳаммад Али. Маомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. - Т.: 1993. – Б. 56.

² Ўша асар. – Б. 46.

гапирардилар. Сухбатларида –доимо..."Ибодат ўн қисм, ўндан тўққиз қисми ҳалолликни қидириш, бир қисми эса бошқа ибодатлар" ҳадиси ўтар эди"¹.

"Бордию овқат ғазаб билан ёки хоҳламасдан пиширилган бўлса, бундай овқатни емас эдилар. Бошқа дарвешларга ҳам едирмас эдилар"².

3. Айниқса умуминсоний қадриятларга риоя қилиш (одам ўлдирмаслик, ота-онани ҳурмат қилиш, кичикларга иззат, меҳр-шафқат, зино, ўғирлик ва ҳ.к.) Нақшбандия тариқат амалиёти талабларининг янада универсал ва инсонпарварлик йўналиш, мазмунига эга бўлганлигини кўрсатади.

Баҳоуддин ўзига йўл кўрсатган Абдуллоҳнинг қуйидаги кўрсатмалари ва ўғитларига бир умр риоя қилган. "Одамлар кўнглини топ, ожиз ва нотавонлар, хусусан, халқ эътибор қилмайдиган кимсалар ҳолига машғул бўл, ҳожатмандлик ва бечоралик билан муомала қил"³.

4. Нақшбандия тариқат амалиётининг баъзи махсус талаблари, масалан намоз тиловатида, луқмада ҳалолликка ҳушёр бўлиш, худбинликни инкор этиш, тасарруфга олиш, кибрдан қочиш, зарурий пул, ҳадя эҳсон қилиш талаби кабилар ҳам асосан умуминсоний қадриятларга риоя қилишдан четга чиқмаган. Баҳоуддин Нақшбанд тариқати амалиётида ҳаётий зарурат ишларини бажаришда ҳар бир онда ҳушёр бўлиш, ҳуши, онги ўзида бўлиш, ҳар қандай иш, ҳатти-ҳаракатни англаган ва келадиган оқибатларини билган ҳолда амалга оширишда ўзи ишлаб чиққан ва 8 та Ғиждувоний рашҳасига кўшиб, нақшбандия тариқати таълимоти ва амалиётини ниҳоясига етказиб, 11-та рашҳанинг учтаси "Вуқуфи ададий", "Вуқуфи замоний" ва "Вуқуфи қалбий" талабларига қатъий ва изчил риоя қилган, ўз тариқати солиқларидан ҳам шундай талаб қилган⁴.

5. Нақшбандия тариқат амалиётининг яна бир махсус талаби тасаввуфни, тариқатни расмий сунний исломга қарама-қарши қўйиш эмас, балки уларни уйғунлаштириш, ислом, шариат қонунлари, талаб-фарзлари,

¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир Ибн Муҳаммад Али. Маомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. - Т.: 1993. – Б. 55.

² Ўша асар.- Б. 57.

³ Ўша асар.– Б. 34.

⁴Ўша асар. – Б. 84-86.

коида ва меъёрларига қатъий, изчил ва онгли тарзда риоя қилиш, бажариш, улар доирасидан чиқмаслик талаби ҳам юқорида кўрсатилган умуминсоний кадриятлар, инсонпарварлик йўналиши ва мазмунидадир.

6. Нақшбандия тариқат амалиётининг яққол ажралиб турадиган хусусияти инсон кўрсатадиган меҳр-шафқатнинг фақат инсонларгагина эмас, балки космологик, глобал экологик меҳр-шафқат йўналишига эга эканлигидир. Бу нақшбандия тариқати билан қадимги Туркистон ҳудудида қарийб минг йил барқ урган туркий-буддавий цивилизация, маданияти, диний маросимчилиги ўртасидаги ворисий, тадрижий алоқадорлик билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас¹.

Баҳоуддин тариқат амалиётининг энг муҳим жиҳати барча мавжудотга, шу жумладан инсонларнинг ўзига ўхшаган инсонларга меҳр-шафқат кўрсатиш талаби эди. Бу ерда гап ота-она ва болалар, якин қариндошлар ёки танишларнинг ўзаро меҳр-муҳаббати ҳақида кетаётгани йўқ, балки ақл-заковатга, ғурур ва шаъниятга эга бўлган мушарраф зот инсоннинг у бани башарият зоти, наслидан бўлганлиги учун ҳар қандай одамга, умуман инсон зотига, айниқса у ночор, ожизу-нотавон, ёрдамга, қаров ва парваришга муҳтож қари, касал ёки онг-шуурсиз бўлса беғараз ёрдам, меҳр-шафқат кўрсатиш ҳақида кетмоқда.

Инсон моҳияти, табиатидаги меҳр-шафқатнинг Баҳоуддин Нақшбанд талқинидаги онтологик мақоми, ўрни шундаки, бу меҳр-муҳаббат шахснинг ўзига ёки инсоният зотига тааллуқли бўлиб қолмасдан, балки космологик, глобал экологик меҳр-шафқат алоқадорлиги, муносабат тарзида тушунилишидир.

Нақшбандия тариқат амалиётининг космологик, глобал экологик маъноси шуки:

1) ҳайвонлар, ҳашоротлар ҳам инсон мансуб бўлган моддий дунёнинг таркибий, зарурий қисмидир;

2) инсонни Худо қандай эзгу ният билан яратган бўлса,

¹ Зоҳидий А. Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти. // Дунё. -1992. -№ 1. – Б. 21.

хайвону, ҳашаротларни ҳам инсоний дунёни мукаммал қилиш мақсади, зарурияти туфайли яратган;

3) улар ақл-идрок, онг-шуурга эга бўлмаганликлари учун эса ақл-идрок, онг-шуур соҳиби қилиб яратилган зот-инсонга ҳам тобе, ҳам унинг масъулиятига топширилгандирлар.

Биз тариқат амалиётидаги меҳр-шафқат кўрсатиш, алоқадорлигининг онтологик, космалогик, глобал экологик уйғунлик, мақсадлари ҳақидаги хулосамизни илгари сурамиз.

Юқорида келтирилган ва таҳлил этилган Баҳоуддин тариқати амалиётидаги космалогик, глобал экологик меҳр-шафқат, Э.Юсупов таъкидлаган Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида шубҳасиз баъзи-бир экзистенциалистик жиҳатлар борлиги ҳақидаги хулосага¹ қўшилиш мумкинлигини кўрсатади.

¹ Юсупов Э. Сўз боши-Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. - Т.: 1993. – Б. 7.

ХУЛОСА

Яссавия ва нақшбандия тариқатининг тасаввуф тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини фалсафий-тарихий тадқиқ этиш натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. XIV-XV асрларда Туркистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт бирмунча барқарор ҳолга кела бошлаб, Чиғатой улусидаги ҳукмрон сулола вакиллари эски мўғулий турмуш тарзи анъаналаридан қатъиян воз кечиб, илм-фан, маданият, ислом ва шариатга, тасаввуф қадриятларига асосланган турмуш тарзи, қонун ва анъаналарга жуда катта хайрихоҳликни ифодаловчи давлат сиёсатини юргиза бошлаган пайтда, мутлақо янги ижтимоий ҳаракатда тасаввуфий тариқатлар ва уларнинг буюк пири—муршидлари, ҳал қилувчи роль ўйнаган.

2. Тасаввуф ва унинг қадриятларини ўзига хос «халқ исломи» кўриниши мўғул босқини даврларида орқага сурилиб қолган эди. Ислом ва шариатнинг ўз мавқеини қайта тиклашда, расмий ислом, шариат уламолари эмас, айнан тасаввуфий тариқат пирлари ҳал қилувчи рол ўйнаган кезларда тасаввуфнинг Туркистондаги асосий тариқатлари — яссавия, кубровия ва хожагон-нақшбандия тариқатлари ана шу сиёсий-мафкуравий зарурият туфайли пайдо бўлди ва ўсди.

3. Тасаввуф тариқатларини тадқиқ этиш натижасида олинган илмий хулосалар шуни кўрсатмоқдаки, тасаввуфий тариқатларнинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши тўғрисидаги Ҳамадоний, Ғиждувоний, Амир Кулол, Жомий, Навоий, Али Сафий ва кейинги давр муаллифлари маълум мақсадда сохталаштириш ва хаспўшлаш натижасида вужудга келган «анъанавий шажаравий» концепция билан асосан ҳозирги замон Ғарб тасаввуфшунослари шакллантираётган «ноанъанавий» концепция бири-биридан фарқланади.

4. Юқоридаги концепциялар асосида биз тасаввуфий тариқатларнинг генезиси, илк даврлардаги ўзаро алоқаларини тадқиқ этиб, XI-XII асрларда

яссавия, XII-XIII асрларда кубровия, XIV-XV асрларда хожагон-нақшбандия тариқатлари вужудга келган ва тараққий этган, деган хулосага келдик.

5. Тасаввуф тадқиқотчилари Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам унинг келиб чиқиши, асосий ғояси, муаммоси, тафаккур усуллари ҳамда амалиёти ва тараққиётига кўра ҳам ўта мураккаб эканлигини эътироф этадилар (Л.Массиньон, Е.Бертельс, И.Мўминов ва б.). Баҳоуддин Нақшбанд дунёқараши ва тариқат амалиётининг шаклланишига ундан олдинги барча тасаввуфий-ирфоний таълимотлар, айниқса, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро таълимотлари ҳал қилувчи таъсир кўрсатган.

6. Бизнингча, яссавия, кубровия ва хожагон-нақшбандия даставвал ўз минтакаларида нисбий мустақил шаклланиб, кейинги даврларда ирфоний ва тариқатий ҳамкорлик, пири-муршидлик ва муридлик муносабатларида бўлган. XIV асрдан сўнг эса мазкур тариқатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари, хожагон-нақшбандия тариқати вакиллари амалга оширган сиёсий-мафкуравий кураш охир-оқибатда хожагон-нақшбандия тариқатининг XVII-XVIII асрларга келиб, шартли ва нисбий ғалабасига олиб келган.

7. Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд дунёқараши, тариқат амалиётининг ўта мураккаб ривожи, умуман уларнинг, тасаввуф тараққиётидаги ўрнини кўрсатиш, муаммонинг Ўзбекистонда ўрганилиш даражаси, савияси, муаммоларини тадқиқ ҳали қониқарли ёритилмаган деган хулосага келдик.

8. Тасаввуф таълимоти ва амалиётининг моҳияти мустақил дунёқараш ва фаол иродали комил инсонни шакллантиришга қаратилган. Инсон, унинг моҳияти, ақл-заковотига ишонч, табиатга, барча тирик жонзотларга, атроф муҳитга оқилона ва фаол муносабатда бўлганлиги кўрсатиб берилди.


Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 32 б.
2. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т.: 1994.
3. Каримов И. А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т.: 1999.
4. Каримов И. А. «Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин» -Т.: 1998.
5. Каримов И. А. «Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» -Т.: 2000.
6. Каримов И.А. «Юксак маънавият-енгилмас куч». -Т.: 2008.
7. Али Сафий. Рашаҳот.-Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. -536 б.
8. Алишер Навоий. Насойим ул муҳаббат. А. Навоий мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик.Т.17.-Т.: Фан, 2001.-520 б.
9. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992.-208 б.
- 10.Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-256 б.
- 11.Баҳоуддин Нақшбанд. Авроди Баҳоия.-Бухоро: Бухоро нашрети, 2000.-40 б.
- 12.Боқирғоний Сулаймон. Боқирғон китоби: Шеърлар ва дoston.-Т.: Ёзувчи, 1991.-80 б.
- 13.Хожа Бектоши Валий. Мақолот.-Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000.-56 б.
- 14.Аҳмад Яссавий. Аждодлари шажараси.-Т.: Хазина, 1996.–32 б.
- 15.Бахтиёр Исабек. Яссавия ва нақшбандия // Мулоқот.- 1997. -№ 3. -Б. 37-40.
- 16.Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби.-Т.: Ўзбекистон, 1970.-495 б.
- 17.Иззат Султон. Нақшбандия абадияти.-Т.: Фан, 1994.-88 б.


- 18.Имомназаров М. Миллий маънвиятимизнинг такомил босқичлари. (Рисола).-Т.: Шарқ, 1996.- 144 б.
- 19.Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб.-Т.: Ёзувчи, 1996.- 272 б.
- 20.Комилов Н. Тасаввуф: Тавҳид асрори. 2-китоб.-Т.: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда Ўзбекистон нашриётлари, 1998.-208 б.
- 21.Маҳмуд Аъсад Жўшон. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ.-Т.: Истиқлол, 1999.-240 б.
- 22.Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси.-Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, 2001.-96 б.
- 23.Мўминов А. Яссавия: илдиз ва манбалар // Фан ва турмуш.- 1993.- № 9-10. -Б. 18-21.
- 24.Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. Авроди Баҳоия. (Тузувчи-таржимон Г. Наврўзова). -Бухоро: Бухоро нашриёти, 2000. -40 б.
- 25.Носиров Р.Н. Тасаввуф таълимоти, унинг моҳияти ва аҳамияти Т.: 1996. – Б. 3-57.
- 26.Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида.- Т.: Университет, 1993.-36 б.
- 27.Ориф Усмон. Бектошия // Мулоқот.- 1997.-№2.-Б. 53-56.
- 28.Садраддин Салим Бухорий. Дилда ёр.-Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.-80 б.
- 29.Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. –Т.: Ўқитувчи, 1996.-216 б.
- 30.Усмон Турар. Тасаввуф тарихи.-Т.: Истиқлол, 1999.-180 б.
- 31.Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти.-Т.: Фан, 1994. -80 б.
- 32.Ғойиблар ҳайлидан ёнган чироқлар. (Муаллиф-тузувчи З. Жўраев).-Т.: Ўзбекистон 1994.-335 б.
- 33.Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. –Т.: Шарқ, 2004.-208 б.
- 34.Ҳақкул И. Тасаввуф ва шеърият.-Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.-184 б.

- 35.Магистратура таълими фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Магистрлик диссертацияси . -Т.: ЎзМУ босмахонаси, 2010. 164 б.
- 36.Қаршибоев Ҳ. Битирув-малакавий ишларни таёрлаш ва ҳимоя қилишга доир методик тавсиялар. –Гулистон: 2003. -34 б.
- 37.Эминов А.М., Қаршибоев Ҳ.Қ. Бакалаврият таълим йўналиши битирувчилари учун битирув малакавий ишларни таёрлаш ва ҳимоя қилишга оид услубий кўрсатмалар. –Гулистон: 2010. -20 б.

Аҳмад Яссавий шажараси ^{1 жаъда}



Арслон Боб шажараси 2 жадвал




Уч «олтин тариқат» асослари

Т а р и қ а т л а р	Тариқат шиори	Тариқат асослари	Тариқат мақомлари	Тариқат қоидалари
Я С С А В И Я	«фақрлик фахрим»	1. маърифаттуллоҳ 2. жўмардлик 3. ростгўйлик 4. ҳақул яқийн 5. таваккул 6. тафаккур	1. тавба 2. ибодат 3. муҳаббат 4. сабр 5. шукр 6. ризо 7. зуҳд 8. орифлик	1. яхши ёмон сўзга сукут қилмоқ 2. пир олдида хомуш бўлмоқ 3. пир ижозатисиз сўзламаслик 4. киши билан очик сўз бўлмоқ 5. хос олимнинг хизматини қилмоқ 6. нафсни ўлдирмоқ
К У Б Р О В И Я	«ўлмасдан олдин ўлингиз»	1. инсилох 2. интисат 3. инширох	1. тавба 2. зуҳд 3. таваккул 4. қаноат 5. узлат 6. таважжух 7. сабр 8. муроқаба 9. зикр 10. ризо	1. вужуд покизалиги 2. хилват 3. давомли сукут 4. давомли рўза 5. узлуксиз зикр 6. таслимият 7. хотирани поклаш 8. робитаи шайх 9. мажбурият холида ухлаш. 10. ейиш-ичишда ўрта йўл.
Н А Қ Ш Б А Н Д И Я	«дил ба ёру даст ба кор»	1. шариат билан зоҳирни поклаш 2. тариқат билан ботинни поклаш 3. ҳақиқат билан қурби илоҳийга эришмоқ 4. маърифат ила Оллоҳга эришмоқ	1. тавба 2. вара. 3. зуҳд 4. фақр 5. сабр 6. таваккул 7. ридо	1. робитаи мавт 2. робитаи муршид 3. робитаи хузур 4. зикрлар 5. нафл намозлари 6. нафл рўзалар 7. тамал асослар.

Уч «олтин тариқат» шаҳобчалари

Т а р и қ а т л а р	Тариқат шаҳобчалари	Тариқат шаҳобчаларини асосчилари	Тариқат шаҳобчаларини ёйилган худуди	Тариқат шаҳобчаларини ёйилиш даври
Я с с а в н я	1.бектошия 2. боқирғония 3. байрамия	Бектоши Вали Сулаймон Боқирғоний Байрами Вали	Туркия Туркистон Туркия	XIII XIV XV
К у б р о в н и я	1. фирдавсия 2. нурия 3. рукния 4. хамадония 5. нурбахшия 6. игтишошия 7. неъматуллоҳия	Бадриддин Фирдавсий Нуриддин Исфароний Рукниддин ибн Шарофиддин Саййид Али ал Ҳамадоний Муҳаммад Нурбахший Исоқ ал Хутталоний Неъматулло Вали	Хиндистон Ироқ Хуросон Кашмир Хиндистон Хуросон Эрон	XIII XIII XIII XIII XV XV XVI
Н а қ ш б а н д и я	1. ахрория 2. мужаддадия 3. масҳария 4. холидия 5. мелони-нурия	Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Имом Раббоний Шамсиддин Мазҳар Холид Бағдодий Муломи, Нурил Араби	Туркистон Хиндистон Туркия Туркия Туркия	XVI XVII XVIII XIX XIX

Нақшбандия тариқатининг шаклланиши



Нақшбандия тариқатининг ёйилиши

